

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 658.01+330.341.44+339.13.024.336.5(575.1)*

**КАРИМОВ ИЛҲОМ САДРИДИНОВИЧ**

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши  
бошқарувни давлат томонидан тартибга солиш**

**5A230108 - “МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ  
ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ”**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:

**и.ф.д., проф. Б.Э.Тошмурадова**

**ТОШКЕНТ-2013**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>I-боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг назарий асослари.....</b>	<b>9</b>
1. Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асослари .....	9
2. Монополияга қарши бошқарув фаолиятининг функционал тамойиллари .....	14
3. Монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг институционал хусусиятлари.....	21
<b>II-боб. “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....</b>	<b>29</b>
1. “Ўзсаноатқурилиш банк” да монополияга қарши бошқарув механизми таҳлили.....	29
2. “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолияти таҳлили.....	35
3. “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятида рақобатбардошлик таҳлили .....	43
<b>III-боб. Иқтисодиётда модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш .....</b>	<b>57</b>
1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувда хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш.....	57
2. Монополияга қарши бошқарувни такомиллаштириш.....	64
<b>Хулоса .....</b>	<b>69</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>72</b>

\

## Кириш

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок, миллий иқтисодиётимиз олдида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан иқтисодиётдаги монополистик фаолиятни чеклаш, уларни тартибга солиш масалаларини ечишдек муҳим вазифалар турар эди.

Шунга кўра, хусусий ва ижтимоий секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий ва халқаро иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, унинг функционал ва институционал жиҳатларини ўрганиш, таҳлил этиш ва албатта, мазкур жараён фаолиятини тартибга солиш устувор масала ҳисобланади. Шулар боис, барқарор иқтисодий тараққиётни ташкил этиш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона кондириниш даражасини ошириш вазифаларини ҳал этишда миллий иқтисодиётни, монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш зарурияти ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда бугунги амалий чора-тадбирларнинг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда шундай дейди: “Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлида” – Тошкент. «Ўзбекистон». 2008 й. – 22 б.

Глобаллашув шароити талабларига жавоб бера олишлари учун иқтисодий ўзгаришларни тўғри талқин қилишлари ва бу жараёнларни келгусида самарали бошқариш мавзуси долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қаралса, диссертация иши долзарблиги монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг қоида ва хулосаларини пухта ўзлаштириш ҳамда ижодий ёндашувни таъминлашдан иборат эканлигида кўринади.

Ўзбекистон иқтисодий барқарорликка эришишининг муҳим шартларидан бири – иқтисодиётда мавжуд бўлган монопол тармоқларнинг фаолияти билан жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ҳамда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсишини доимий равишда таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни модернизациялаш даврида монопол тармоқлар фаолиятини тартибга солиш, унинг функционал ва институционал жиҳатларини ўрганиш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим жиҳати ҳам шундаки, улар табиий монополия субъектлари маҳсулотлари ва хизматларидан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиш, маҳсулотлар ва нархларнинг муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни ўстиришга қаратилгандир. Бу эса ўз навбатида давлат томонидан йирик табиий монополиялар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш ҳамда рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув субъектлари ҳамда “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолияти тадқиқот ишининг объекти саналади. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал жиҳатлари ҳамда уларни мувофиқлаштириш бўйича вужудга келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади –иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш, давлат томонидан монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал жиҳатларини атрофлича тадқиқ этиш ҳамда бу борада такомиллашган назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун илмий тадқиқот олдида бир қатор вазифалар белгилаб олинди ва улар қуйидагилардан иборат:

- Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асослари, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг институционал хусусиятлари ўрганилди;
- “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятида монополияга қарши бошқарув механизми таҳлил қилинди;
- “Ўзсаноатқурилиш банк”нинг умумий фаолияти, хусусан рақобатбардошлик таҳлили тадқиқ этилди;
- “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди;
- Иқтисодиётда модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан тегишли хулосаларга келинди;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувда хориж тажрибаси ва Ўзбекистон Республикасида фойдаланишнинг самарали томонлари ўрганилди.

Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асосларини яратиш; монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал тамойилларини ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ўрганиш; “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг

hozirgi xolati, uning monopoliyaga qarshi boshqaruv mexanizmi atroflicha tadqiq etildi.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари** монополияга қарши бошқарувнинг назарий-услубий асослари, бошқариш моделлари ҳамда ривожланишни бошқариш стратегиясини илмий тадқиқот этиш, бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқотнинг асосий масалаларини:

- Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асослари;
- Монополияга қарши бошқарув фаолиятининг функционал тамойиллари;
- Монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг институционал хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг фаразлари:

- Рақобат муҳитини изчил ривожлантириш;
- Табиий монополия корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларни асосий оширишга йўл қўймаслик;
- Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришдан иборат.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Монополияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган масалаларнинг айрим назарий-услубий ҳамда амалий жиҳатлари А.Смит, Д.Рикардо, А.Курно, Ж.С.Милл, Ж.Робинсон, Э.Чемберлин каби иқтисодчи олимларнинг асарларида, шунингдек В.Е.Брусловский, В.Я.Вешнев, А.Н.Куликова, Г.Сидирова, Н.Е.Фонорева, А.А.Костусев каби МДХ мамлакатлари иқтисодчи олим ва мутахассисларининг мақола ва илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда монополостик ҳолатлар ва уларни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан илмий-тадқиқот ишлари мунтазам олиб борилганки, бунда А.У.Баҳромов, А.В.Вахобов, М.Жуманов,

А.А.Кулматов, А.С.Усмонов, Д.Носирхўжаева, А.Ф.Расулев, Г.К.Саидова, Т.Х.Шодибоев, М.Эшов сингари олимларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бироқ мазкур тадқиқотларда монополистик фаолиятнинг туб иқтисодий моҳияти, монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал жиҳатлари юзасидан муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам, мазкур жараён иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида мавзунини янги нуктадан назардан тадқиқ этишни, масаланинг янги шароитларда аниқ мақсадлар билан ўрганилишини тақозо этади.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Иқтисодий, математик, горизантал, солиштирма-таққослаш, башоратлаш, статистик услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти** шундаки, монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш юзасидан келтириб ўтилган тақлифлар ва хулосалар жамият фаровонлигини, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур тадқиқот материалларидан монополияга қарши органлар мутахассисларининг касб-хунар малакасини оширишга бағишланган тадбирларида илмий-назарий тадқиқот материаллари сифатида фойдаланиш мумкин. ишдаги илмий хулоса ва назарий, статистик манбалар бу борадаги келгуси илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** иқтисодиётда монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ва унинг вазифавий жиҳатларини илмий нуктадан назардан таҳлил этишда ўз ифодасини топган. Тадқиқот ишида эришилган ва химояга олиб чиқиладиган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асослари, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг институционал хусусиятлари ўрганилди;

- “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятида монополияга қарши

бошқарув механизми таҳлилини ўрганилди;

- “Ўзсаноатқурилиш банк”нинг умумий фаолияти, хусусан рақобатбардошлик таҳлили тадқиқ этилди;

- “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди;

- Иқтисодиётда модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан тегишли хулосаларга келинди;

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувда хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланишнинг самарали томонлари ўрганилди.

- Ўзбекистонда монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш, банклар фаолиятини барқарорлаштириш бўйича илмий-амалий таҳлиллар асосида тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асосларини яратиш; монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал тамойилларини ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ўрганиш; “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати, унинг монополияга қарши бошқарув механизми атрофлича тадқиқ этилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг назарий асослари**

### **1. Монополияга қарши бошқарувнинг илмий-услубий асослари**

Монополияга қарши бошқарувнинг моҳияти, унинг мазмун-мундарижаси ҳақида фикр юритишдан аввал, монополия назарияси, унинг турлари, вужудга келиш асосларини баён этиш мақсадга мувофиқдир.

“Монополия” (инглизча monopoly) юнонча “monos” – битта (ягона), танҳо ва “poleo” – сотаман, деган маънони англатиб, бозор шароитида бирон-бир фаолият соҳасидаги ягона сотувчи, танҳо хизмат кўрсатувчи демакдир.<sup>2</sup>

Бу таърифга кўра монополия – бу ўхшаши бўлмаган қандайдир маҳсулотнинг танҳо ишлаб чиқарувчиси бўлган ягона фирма, компания, деган маънони англатади.

Айтиш мумкинки, иқтисодиётда мазкур тушунча моҳиятини турли хил ёндашув, фарқли талқин ва таърифларда изоҳланганини кузатамиз. Масалан, Л.М.Куликов монополия тушунчасининг тор ва кенг маъносини ўзаро фарқлайди: “Монополия (грекча monos – битта, ягона + poleo – сотаман) – тор маънода битта сотувчининг бозордаги ҳукмронлигини англатади. Бирок кенг маънода монополия деганда бир ёки бир неча шахслар гуруҳи фаолиятининг қандайдир соҳада ҳукмронлик ҳолати тушунилади. Хусусан, иқтисодиётда компанияларнинг монопол (ҳукмронлик) ҳолатининг тўртта варианты ажратилади: монополиянинг ўзи, олигополия (грекча oligos – озчилик + poleo), монопсония (грекча monos + opsonia – ўзиқ-овқат хариди) ва олигопсония (грекча oligos + opsonia)”.

Бугунги кунга қадар монополия атамасининг мазмунини ифодалашда моҳиятан фарқланувчи икки ёндашувни кўриш мумкин:

Биринчи ёндашув – монополияларни турли йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг сунъий бирлашмаси сифатида ифодалаш. Жумладан, бундай

---

<sup>2</sup> Станковская И.К., Стрелец И.А. “Экономическая теория”. Дарслик. –М.: ЭКСМО. 2008 й. 140 б.

ёндашувга А.Ф.Шишкин томонидан монополияга берилган таърифни келтириш ўринлидир: “Монополиялар – бу хусусий мулкчиликка (якка тартибдаги, гуруҳий ёки акциядорлик шаклидаги) асосланган ҳамда монопол юқори нархни ўрнатиш ва монопол фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик хўжалик бирлашмалари”.

Монополия атамасининг мазмунини ифодалашда иккинчи ёндашув – бу монополияларга бозордаги иштирокчилар (сотувчи ёки харидорлар) сонининг чекланганлиги туфайли вужудга келган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва нархига таъсир ўтказиш имкониятини намоён этувчи бозор ҳолати сифатида қараш орқали тавсифланади.

Бозор иқтисодиёти монополия рақобатига қарши куч сифатида майдонга чиқади ва у рақобат таъсири шароитини ўзгартиради. Монополия — бу бозорда юзага келадиган иқтисодий ҳодиса бўлиб, унда йирик сотувчи ва харидорлар ўз иқтисодий қудратига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ҳукмларини ўтказадилар. Бунда монополиячиларнинг шахсий манфаатларига асосланган, уларнинг фойдасини кўзлаган шартлар қолган барча учун мажбурий ҳисобланади. Таклиф ҳажми ва бозордаги баҳо монополия томонидан белгиланади.

Монополияларнинг иқтисодий мазмуни уларнинг намоён бўлиш шакли ва турларини тадқиқ этиш орқали янада кенгроқ очиб берилиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий адабиётларда монополиянинг турлари ҳар хил белгилари бўйича туркумланади. Бироқ, муаллиф томонидан туркумланган ҳар бир монополия турлари тўлиқ бўлмай, баъзи бир монополия турларининг ажратиб кўрсатилиши мунозарали ҳисобланади. Шунингдек, турли муаллифлар томонидан амалга оширилган туркумлаш баъзида бир-бирига зид ҳолатларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, Е.Ф.Борисов монополияларни қуйидаги белгилар бўйича туркумлайди:

а) савдо битимларидаги ўрнига кўра: 1) кўплаб харидорларга маълум товарларни сотувчи компанияларнинг бирлашмаси – монополия; 2) барча

сотувчиларнинг қандайдир маҳсулотларни сотиб олувчи хўжалик бирлашмаси – монополия;

б) бозорни қамраб олиш даражасига кўра: 1) бозор фаолиятининг битта тармоғи миқёсидаги мутлақ монополия; 2) бозор фаолиятининг битта тармоғи миқёсидаги мутлақ монополия; 3) миллий хўжалик миқёсидаги мутлақ монополия; 4) миллий хўжалик миқёсидаги мутлақ монополия;

в) пайдо бўлиш тавсифи ва сабабига кўра: 1) табиий монополия; 2) легал (қонуний) монополиялар; 3) сунъий монополиялар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фикримизча, легал (қонуний) монополиялар (масалан, патент тизими, муаллифлик ҳуқуқи, товар белгилари ва ҳ.к.)ни монополияларнинг пайдо бўлиши тавсифи ва сабабига кўра алоҳида, мустақил тури сифатида ажратиб кўрсатиш мантиқан нотўғри ҳисобланади. Чунки улар сунъий (яъни, табиий монополия тузилмаларидан фарқлаш учун шартли равишда номланган) монополияларнинг ташкил топиш усули, воситаси сифатида майдонга тушади. Шунингдек, монополиянинг легал, яъни қонуний турларини ажратиб кўрсатиш, ўз навбатида унинг нолегал, яъни яширин турларининг ҳам ажратиб кўрсатилишини тақозо этади. Зеро, бугунги кунда аҳамияти тобора ошиб бораётган монополияга қарши қонунчиликнинг асосий мақсади ҳам сунъий монополиялар – картель, синдикат, трест ва бошқа шаклларда бирлашмаларнинг ноқоқуний, яширин келишувларининг олдини олишга қаратилгандир.

В.Я.Иохин эса монополияларни яна бир белги – бозорга кириш имконияти чекланганлигининг турли даражаси тамойилидан келиб чиққан ҳолда 3 турга ажратади:

- 1) ёпиқ монополиялар;
- 2) табиий монополиялар;
- 3) очик монополиялар.

Муаллифнинг асослашича, ёпиқ монополия бошқа компанияларнинг у ёки бу хўжалик фаолияти соҳасига кириб келишига тўсқинлик қилувчи ёки

бошқаларга тегишли ақлий мулкдан фойдаланишга йўл қўймайдиган мавжуд меъёрий қонунчилик ҳужжатлари натижасида вужудга келса, очик монополия компания томонидан таклиф этилаётган товар ёки хизматнинг янгилиги жиҳатидан қандайдир вақт давомида у ёки бу маҳсулотнинг ягона ишлаб чиқарувчисига айланиши орқали тавсифланади. Кўпинча бозорга биринчи марта янги маҳсулот билан чиққан компаниялар очик монополия ҳолатида бўлади.

Монополия назарияси бўйича тадқиқот ишларини олиб борган иқтисодчилар мавжуд монополияларнинг этилганлик даражаси ва ривожланиш босқичига кўра уларнинг уч тоифага бўлгандар: соф монополия, монополистик рақобат ва олигополия.

Монополистик рақобат – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони кўп ҳамда улар ўртасида маълум даражада рақобат мавжуд бўлган, бироқ ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўз товар ёки хизматининг алоҳида, мавжуд хусусиятлари мавжудлиги сабабли уларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги маълум даражада ҳукмронлик ҳолати. Рақобатли монополия шароитида бозорга бошқа рақобатчиларнинг ўз маҳсулоти ёки хизматлари билан кириш нисбатан эркин бўлади.

Олигополия – тармоқдаги стандартлашган ёки табақалаштирилган маҳсулотни сотувчи (ёки хизмат кўрсатувчи) бир неча йирик ишлаб чиқарувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмронлик ҳолати бўлиб, улардан бирининг бозорда таклиф қилаётган маҳсулот ёки хизмати ҳажмининг ўзгариши бутун бозордаги нархнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Шу боисдан ҳам, олигополиялар бозорни шундай қаттиқ назоратга оладиларки, унга бошқа фирма ёки компанияларнинг ўзаро боғлиқлигига қараб, бундай бозорда нархларнинг устидан назорат чекланган бўлади (ўзаро тил бириктиришларидан ташқари). Одатда, олигополия бозорлари шароитида нархсиз рақобатнинг таъсири жуда кучли бўлади.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги, ва бинобарин, фойда олишдаги яқка ҳукмронлик ҳолати. Бундай ҳолатда мазкур тармоқ маҳсулотига бўлган талабни қондиришнинг ўрнини боса оладиган ёки алмаштира оладиган маҳсулот тури ҳамда бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчилар (рақиблар)нинг тармоққа кириш имкони мавжуд бўлмайди.

А.А.Костусев<sup>3</sup> монополияларнинг келиб чиқиш манбаига кўра институционал монополия ва тадбиркорлик асосидаги монополияларни фарқлаш лозим деб ҳисоблайди. Институционал монополиялар турли институтлар томонидан вужудга келиб, бозор иштирокчилари учун рақобатнинг тенг бўлмаган шароитларини сунъий тарзда ҳосил қилиниши орқали намоён бўлади. Тадбиркорликка асосланган монополия эса бозор ҳукмронлигига, яъни маҳсулот таклифи ва талабини тартибга солиш орқали унинг нархини назорат қилиш имконига эга бўлган тузилмаларнинг ривожланиши натижасида вужудга келади.

Институционал монополизмнинг келиб чиқиши асосан давлат ва маҳаллий ҳокимиятнинг лицензиялаш ва протекционистик хатти-ҳаракатни олиб бориши билан боғлиқ рақобатга қарши аралашуви натижаси ҳисобланса, тадбиркорлик монополизмнинг асосида ишлаб чиқаришнинг концентациялашуви ётади.

Юқорида монополияларнинг ҳар бир турига берилган таърифлардан кўришиб турибдики, улар иқтисодиётга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Адам Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг сабаблари тўғрисида тадқиқот” асарида “Монополия... – бу фаровон хўжалик юритишнинг душманидир”, дея таърифлайди.

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилган ҳолда, биз томонимиздан “монополия” тушунчасига қуйидагича таъриф берилди:

Монополия – бу хусусий мулкчиликка асосланган ҳамда монопол юқори нархни ўрнатиш ва монопол фойда олиш мақсадида тармоқлар,

---

<sup>3</sup> Костусев А.А. Конкурентная политика в Украине: Монография. –К.:КНЕУ, 2004 й. 21 б.

бозорлар ва яхлит макроиктисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи, турли институтлар томонидан вужудга келувчи ҳамда бозор иштирокчилари учун рақобатнинг тенг бўлмаган шароитларини сунъий тарзда ҳосил қилувчи йирик хўжалик бирлашмаларидир.

## **2. Монополияга қарши бошқарув фаолиятининг функционал тамойиллари**

Монополияга қарши тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш ва хўжалик субъектлари томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича ишларни фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралда “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилди. Мазкур қўмита монополияга қарши сиёсатни, рақобатни ривожлантириш, табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, шунингдек реклама фаолиятини назорат қилишни амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодиётни барқарорлаштириш йўлида қайт этган фикрлари бу борада мақсадни белгиловчи муҳим омил бўлади. “Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа — бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган

макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир”.

Сўнгги ўн йилликлар бутун дунё микёсида рақобат тўғрисидаги қонунларни янада ривожлантириш ва амалиётга киритиш даври бўлди. Собиқ социалистик тузумнинг парчаланиши оқибатида Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг кўпчилик мамлакатлари рақобат сиёсатининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий қила бошлаган бир вақтда, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бир жойда тўхтаб қолмади. Улар амалиётда фойдаланилаётган монополияга қарши қонунчиликка ўзгартиришлар киритиб бордилар. Ҳозирги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида монополияга қарши қонунчилик мавжуддир.

Умуман, мамлакатлар ўртасида рақобат тўғрисидаги қонунчилик турли давлатларнинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий жиҳатларининг бир-бирига ўхшамаслиги, рақобат сиёсати ва қонунчилик асослари, ҳуқуққа нисбатан турлича ёндашувини ифодалайди.

Масалан, АҚШда рақобат тўғрисидаги қонунлар матнларини баён қилиниши конституцион меъёрларни эслатади. Айтиш мумкинки, тушунчаларни шарҳлашда судларга ва монополияга қарши органларга кўпроқ вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, эркинликлар берилади.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни нисбатан яқинда киритган кўпчилик мамлакатларда рақобат сиёсатининг тўртта жиҳати ҳам битта қонунда ўз аксини топган. Бундай мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Россия, МДҲ кўпчилик мамлакатлари, шунингдек Шарқий Европа мамлакатлари киради.

Бошқа мамлакатларда рақобат сиёсатининг бозор концентрацияси ва ноҳалол рақобат каби жиҳатлари алоҳида қонунлар ваколатига киради. Қозоғистонда ва бир нечта бошқа мамлакатларда ноҳалол рақобат алоҳида қонунчилик қилиб ажратилган. АҚШда эса концентрациялашиш масалалари ва тегишли таомиллар – Харта-Скотта-Родио (қонунни ишлаб чиққан конгрессменлар) номли махсус қонун билан тартибга солинади.

Марказлашган-режалаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига

ўтаётган мамлакатларда қонунчилик, одатда, ҳокимият органлари рақобатга қарши ҳаракатлари, қарорлари, ҳаракатсизлигини чеклаш учун махсус ишлаб чиқилган алоҳида нормаларга эга. Бунинг сабаби, режалаштирилган иқтисодиёт даврида ҳокимият органларини корхоналарнинг фаолиятига ҳаддан зиёд кўп аралашуви оқибатидир. Бундай қонунчиликка эга бўлган мамлакатлар қаторига деярли барча МДҲ давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам киради.

Хорижий мамлакатларнинг қонунчиликларидаги тафовутлар турлича ва ниҳоятда кенгдир. Шунинг учун таҳлил биринчи навбатда ушбу тафовутларни аниқлаш ва тушунтириб беришга қаратилди.

XX аср иқтисодиёт эркинлашуви, бозорлар очилиши, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлашда кўпчилик ривожланган мамлакатлар давлат бошқарувиغا эмас, балки бозор кучларига суяна бошлаганига гувоҳ бўлди. Рақобат сиёсати иқтисодий эркинликни рағбатлантириш, баъзида эса мустақил харидорлар ва сотувчилар ўртасида рақобатни талаб қилиш йўли билан қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг рақобатга қарши қонунларини янада кучайтирдилар. Баъзи мамлакатлар савдо-сотиққа тўсқинлик қилувчи, кейинчалик бошқа хатти-ҳаракатлар билан қайтадан вужудга келтирилиши мумкин бўлган тўсиқларни баратараф этадиган янги қонунларни ишлаб чиқиди.

Азалдан, рақобат сиёсати авваламбор иқтисодиёти ривожланган, ички рақобат тижоратда муҳим омил ҳисобланган мамлакатлардаги рақобат жараёнини ҳимоя қилиш учун қўлланиб келинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг жиддий рақобат сиёсати АҚШ, Германияда кузатилади. Монополияга қарши қонунчилик учун модел сифатида хизмат қилган ва уни жаҳоннинг бошқа мамлакатларига тарқатишга асос бўлиб хизмат қилган Америка ва Германия тизимларида рақобат тўғрисидаги қонунни белгилаш ва уни амалга оширишда суд қарорлари марказий (асосий) ролни бажарадилар. Худди шундай жиҳат Австралия, Япония, Корея, Канада,

Францияда мавжуд. Ва аксинча, суд қарорлари Буюк Британия, Испания ва Швеция қонунларида унчалик аҳамият касб этмайди. Ушбу мамлакатлар мазкур қонунни амалга ошириш ва таърифлаш маъмурий судларда ва ижро ҳокимиятини тайинланган расмий шахсларига (одатда иқтисодиёт вазири) асосланади.

Рақобат тўғрисидаги қонунлар иккита, лекин бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган концепцияларга асосланади: бозор ҳукмронлиги ва бозорда устун мавқега эга бўлиш. Амалиётда рақобат сиёсатининг кўпчилик шакллари ёхуд етказиб берувчиларни бозор ҳукмронлигини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, ёинки устун мавқега эга бўлган корхоналарни ўз мавқеларини суиистеъмол қилишини тўхтатиб туришига йўналтирилган. Бундай ҳолат бозор ҳукмронлигини амалга ошириш иқтисодий самарадорлик билан бир-бирига тўғри келмаслиги, устун мавқега эга бўлиш эса етказиб берувчига савдо-сотик йўлида хусусий тўсиқларни юзага келтиришга, рақобатни чеклашга ва бошқа томонларнинг иқтисодий эркинлиги, фаровонлашуви ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига имкон яратади. Бозор ҳукмронлиги иқтисодий бозорларнинг нисбий ҳажми (бозор улуши) ва тузилмасига, яъни ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчилар сонига, савдо-сотикни амалга оширишда мавжуд бўлган жиддий тўсиқлар, бевосита товар ўрнини босувчининг мавжудили билан изоҳланади. Устун мавқега эга бўлиш етказиб берувчиларнинг аниқ ҳажмига, уни буюртмачилар ва шахсий етказиб берувчилари билан алоқаларига, шунингдек, савдо бўйича ҳамкорларини иқтисодий аҳволини билиш қобилиятига боғлиқдир. Бозор ҳукмронлиги концентрацияси ва самарадорлигига асосланадиган рақобат тўғрисидаги қонунлар истеъмолчилар фаровонлигини кўзлаган ҳолда юзага келади. Аксинча, устунлик концентрациясига асосланган қонунлар рақобат жараёнини эмас, балки рақобатчиларни ҳимоялаш асносида юзага келиб, шунга хизмат қилади.

Савдо-сотикнинг эркинлашуви самарали рақобат сиёсатини

ўзгартиради. Чунки кўпгина ҳолатларда эркин савдо-сотиқ бозорнинг рақобат тузилмасида унчалик аниқ намоён бўлмайди ва бозорда самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантормайди. Шунинг учун рақобат сиёсати ва савдо-сотиқ эркинлашувини муқобил сиёсатга қўшимча сифатида ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Рақобат тўғрисидаги қонун учта соҳага кириб боради: бизнесни амалга ошириш усулига, иқтисодий бозорлар тузилмасига ва хўжалик юритиш усулларига. Ўрганиб чиқилган қонунчиликлар ўртасида ҳаракатланишни ўзининг бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилувчи ёхуд савдо-сотиқни чекловчи, рақобатни сусайтирувчи, ман қилинган шакллари олувчи ўзини тутиш қоидалари мазмунан бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Маълум бир ҳолатлардагина рақобатни чекловчи ушбу хатти-ҳаракатлар иқтисодий самарадорликка ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Рақобат тўғрисидаги қонунлар эса, умуман олганда, рақобат зарари ва самарадорликни ошириш ўртасида балансга эга бўлишга йўналтирилган. Бу борада АҚШ, Германия ва ЕХ мамлакатларининг рақобат қонунчилиги рақобатга ғов бўлаётган бундай тўсқинликларни бошқа қонунчиликларга нисбатан қатъий стандартлар (андозалар) бўйича баҳолайди. Ваҳоланки, бошқа мамлакатлар, масалан Швеция, Буюк Британияда савдо-сотиққа монетьлик қилувчи тўсиқларни тартибга солишнинг мақсадли йўналтирилганлиги (масалан, минтақавий бандлик, тўлов баланси) муносиб баҳоланади.

Иқтисодий бозорлар тузилмасида қўлланиладиган рақобат тўғрисидаги қонун корпорациялар ўртасидаги қўшилиб кетишлар (корпоратив транзакциялар), қўшма корхоналар ва активлар трансфертлари бўйича битимларга аралашади. Ушбу аралашуш транзакциялар ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчилар мустақиллигини сусайтириш ва иқтисодий бозордаги концентрациялашувни юқори даражаларга кўтаришда содир бўлади. Тарихан Германия ва АҚШда қўшилиб кетиш тўғрисида олдиндан хабар бериш ва иқтисодий бозорда юқори концентрациялашувга

олиб келувчи корпоратив транзакцияларни ман қилиш талаблари орқали фаол аралашув амалга оширилган. Бошқача айтганда, йирик иқтисодий субъектлар халқаро бозорларда рақобатлаша олади деган нуқтаи назар бозор тузилмаси устидан етарли даражада назоратни амалга оширмайди. Бироқ, иқтисодиёт тобора ривожланган сари ва унинг тармоқ концентрацияси даражасининг ошиб бориши сабабли ҳукуматда бозор тузилмаси устидан кучли назоратни амалга ошириш тенденцияси юзага келади. Бу рақобат тўғрисидаги қонунинг кейинги вақтларда юқори суръатлар билан ўсиб бораётган соҳасига айланган. Шунинг учун ЕҲ мамлакатлари, Буюк Британия, Испания, Германия, Жанубий Корея ва Канада бозор тузилмаси устидан назоратни кучайтирдилар. Ўрганилган қонунчиликлардаги рақобат тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар рақобатга қарши сезиларли самараларни олдинга суришга тайинланган индустриал сиёсатни қўллаб-қувватлаш учун бир восита сифатида қонунчиликдаги трестларга қарши истиснолардан фойдаланиш имконини беради. Хусусан, маҳаллий етказиб берувчилар ўртасида давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамкорлик, одатда рақобатга зарар етказди ва рақобатга қарши нарх шакллантирилишини рағбатлантиради. Давлат томонидан муҳофаза қилинадиган маҳаллий тармоқларнинг маҳсулотлари истеъмол қилинадиган жойда ушбу самаралар маҳаллий етказиб берувчилар томонидан олинган барча фойдани компенсациялаши мумкин. Тарихан Япония, Корея ва Германия маҳаллий етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларига руҳсат бериб келган. Шунга қарамасдан, ривожланиш жадаллашган, истеъмолчи манфаатлари кучларини борган сари ўсиши натижасида ушбу мамлакатлар маълум тармоқлар сиёсатини рақобатга қарши оқибатларини ўйлаганлар ва тармоқ концентрацияси иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосага келганлар. Иқтисодиётдаги картеллашиш сифатидаги ўзига хос тармоқ сиёсатини самарадорлигига нисбатан шубҳа рақобат тўғрисидаги қонунни ва ушбу қонундан озод этиш учун яқка тартибда белгиланадиган мезонлар

доимий равишда кучайтиришга олиб келди. Германия, Франция, Испания, Буюк Британия ва ЕҲ мамлакатлари рақобат тўғрисидаги қонунлари даставвал бозор ҳукмронлигига эмас, балки бозордаги устун мавқе концепциясига асосланган. Устунликни энг кенг тарқалган ва умум қабул қилинган таърифи бу рақобатни тўсиқлардан эркинлиги ёки савдо бўйича ҳамкорларни (ишлаб чиқариш иерархиясининг юқорисида ёки пастида) иқтисодий фаолияти устидан назорат қилиш эркинлигидир. Умуман олганда, ўрганилаётган иқтисодиётлардаги рақобат тўғрисидаги қонунлар етказиб берувчиларни устун позицияларга эга бўлиши олдини олмайди. Фақатгина уни ушбу позициянинг суиистеъмол қилинишига йўл қўймайди. Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунлар одатда устун фирмаларнинг хатти-ҳаракатларига жиддий чеклашларни қўядилар. Устунлик стратегик иқтисодий самарадорликни рақобат сиёсатини асослаш сифатида тўлдиради. Айрим олимлар ва сиёсатни ишлаб чиқувчилар, бозор ҳукмронлиги ва иқтисодий самарадорлик рақобат тўғрисидаги қонунинг асосий базаси бўлмаслиги керак, деган фикрни илгари суришади. Иқтисодий ҳукумат концентрацияси демократияга қарши сифатида кўрилади, рақобатлашувчи бозор тузилмаларини қўллаб-қувватлашда ва кичик корхоналарни ҳимоя қилишдан олинадиган фойда эса самарадорликни сусайтиришдан юзага келадиган барча йўқотишларни қоплайди деб қаралади. Ушбу қоида Франциянинг рақобат тўғрисидаги қонунига 1986 йилда киритилган тузатиш ёрдамида кучайтирилди. Монополияга қарши бозорда етказиб берувчилар ўртасидаги горизонтал муносабатлар учун бозор кучи ва устунлик рақобат тўғрисидаги қонун учун деярли бир-бирининг ўрнини босувчи ҳисобланади. Лекин қонунни амалга ошириш стандартлари (андозалари) ўзгарувчан бўлади.

Йирик етказиб берувчилар устун бўлган жойда уларни рақобатлашувчилар устидан назорати етказиб берувчи товари устидан бозор ҳукмронлигини амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Бунда ҳуқуқий аралашуш ҳолатлари бозор ҳукмронлиги концепциясига ёхуд устунликка

асосланиши мумкин. Ўрганилган итисодиётлар бозор ҳукмронлигини амалга ошириш ёки ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиш каби хатти-ҳаракатларни ман қилади.

### **3. Монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг институционал хусусиятлари**

“Институционализм” ибораси – институт ёки муассаса сўзидан келиб чиқиб, кенгроқ маънода жамиятда “ҳукм сураётган” маълум одат, тартиб ва удумларни, уларни расмий тан олиб қонун ёки муаммолар шаклида мустаҳкамланиши назарда тутилади.<sup>4</sup>

Мазкур назарияга кўра иқтисодий жараёнлар – жамият таассуроти, яъни ушбу ҳудудда ва миллатга мансуб бўлган кўпчиликни ташкил қилувчи гуруҳларнинг дунёқараши, психологияси, урф-одатлари ва удумлари, фикр юритиш услубияти ва ўзини тутишини шакллантиради. Институционализм назариётчилари институтлар ёки муассасалар деб ижтимоий ҳолатларни – оила, давлат, касаба уюшмалари, ташкилотлар, қонунчилик ва жамият муассасаларини келтириб ўтадилар. Улар ўз изланишларида, тадқиқот ишларида урф-одатлар тарихига, удумлар ва маданий муносабатларнинг шаклланишига эътибор қаратадилар. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзбек моделини амалга оширилишида деярли барча келтирилган институционал назарияси элементлари (унсурлари) қўлланилади.

Институционализм назариясидан фарқли равишда, бошқа илмий йўналишда фаолият юритаётганлар иқтисодиётни биров ўзгача талқин этишади. Яъни, уларнинг наздида иқтисодиёт жамият негизини ташкил қилувчи муносабатлар ва ушбу муносабатлардан келиб чиққан ҳолда яратиладиган қурилмалар: давлат, оила, хусусий мулкчилик, турли шаклдаги ташкилотлар, пул муносабатлари ва ҳоказоларни ажратиб кўрсатадилар.

---

<sup>4</sup> Хайдаров М.Т. “Иқтисодий ислохотларнинг институционал жиҳатлари” // “Иқтисодчи ва молия” журнали. 2012 йил, 2-6 - бетлар.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг фикрича, жамиятнинг тараққиёти негизида асос солувчи иқтисодий муносабатлар бирламчи сифатида, устки қурилмаси эса ундан келиб чиқадиган ҳосилавий муносабатларни иккиламчи деб баҳолайдилар.

Институционализм назариётчилари жамиятнинг мафкуравий қийматларининг моҳияти эътиборга мойиллигини уқтирадилар. Яъни, нафақат ишлаб чиқариш кучлари иқтисодиётнинг негизини ташкил қилишини, балки иқтисодий тараққиётда ижтимоий омилларнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Илк институционализм ғоялари Америка Қўшма Штатларида, XX асрнинг бошларида, авж олаётган монополистик жараёнларининг таҳлили асосида ва “трестларга қарши” авж олаётган қонунчиликка бўлган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг иқтисодиёт устидан назоратни кучайтириш лозимлиги ва иқтисодий тараққиётда ижтимоий муносабатлар моҳиятини талқин қила бошлаганлар. Ана шу ёндашув иқтисодиёт фани тараққиётида янги йўналиш, ҳозирги талқинда ижтимоий-институционал ёки оддийроқ ифодалаганда институционализм назарияси деб баҳоланади

Институционализм методологик асослари негизида тузилган иқтисодий ҳолат таҳлили қимматга эга. Мазкур йўналиш фақат иқтисодий жараёнларни эмас, балки инсонлар ҳаёт фаолиятининг бошқа соҳаларида рўй берадиган, иқтисодиётнинг реал сектори технологик базасини шакллантиришга таъсир этувчи бошқа жараёнларни ҳам ҳисобга олади. Институционал назариянинг концептуал тамойиллари неоклассик йўналишдаги ўта мавҳум, статик (ўзгармас) ёндашувни бартараф қилишга имкон беради ва миллий иқтисодий тизимнинг инновацион ривожланиш имкониятларини аниқлашга хизмат қилади. Ҳозирги пайтгача институционал таҳлил билимлар иқтисодиёти элементларининг ривожланишини башорат қилиш ва эволюциясини баҳолаш учун жуда кам фойдаланиб келинган.

Шу аснода Д.С. Львов иқтисодий тадқиқотлар воситаларини, жумладан, билимлар иқтисодиёти методологик аппаратини такомиллаштириш объектив заруриятини қайд этади. Институционал муҳит бу – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва уларнинг ўзаро алоқаларини структуралайдиган қоидалар тўплами эканлиги сабабли институционал ёндашув доирасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти иккита асосий ёндашув: трансформация ва трансакция ёндашуви асосида тавсифланади. Улардан биринчисининг доирасида тадқиқотчиларнинг эътибори хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ички омилларнинг таъсирига қаратилади. Ўз навбатида, иккинчи ёндашув ташқи омиллар таъсирини кўриб чиқади.

Бунга кўра, О Уильямсоннинг институционал назариялар таснифига кўра, институтлар таснифи биринчи навбатда “хўжалик юритувчи субъектга муносабат” белгиси бўйича амалга оширилиши, яъни ички ва ташқи институтларга ажратилиши лозим. Демак, билимлар ишлаб чиқариш корхона фаолияти йўналишларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, янги билимлар ишлаб чиқариш институтлари таснифининг бошланғич белгиси уларнинг хўжалик юритувчи субъектга муносабати ҳисобланади. Бунда биринчи йўналиш доирасида корхона ва фирмалар “ичкаридан”, яъни янги билимлар ишлаб чиқаришга турли бошқарув ёндашувларида ифодаланадиган меъёрлар, битимлар ва шартномалар тизими орқали таҳлил қилинади. Иккинчи йўналиш иқтисодий ташкилотларни “ташқаридан” тадқиқ қилиш учун калит беради – хўжалик юритувчи субъект ўртасида ўзаро алоқа қоидаларини ўрганишга йўналтиради.

Замонавий институционал назария қуйидаги асосий муаммоларни ҳал қилишга асосланади: институтлар (муассасалар, ташкилотлар) юзага келишини тушунтириш, уларнинг ўзгарувчан шароитларда фаолият юритишини ўрганиш, уларнинг муассасавий тартиб моҳиятини аниқлаш ва институционал ўзгаришлар ролини баҳолаш.

Юқорида баён қилинган институционал иқтисодиёт йўналишлари доирасида тавсифланган бозор ўзгаришлари жараёнини ўрганиш анъанавий иқтисодий таҳлил доирасини кенгайтиради ва институционал тизим фаолияти муаммоларини тадқиқ этишда умумий назарий асосларни ҳисобга оладиган комплексли ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини асослаб беради. Ўйлаймизки, комплексли институционал ёндашувнинг умумий назарий – методологик асослари сифатида фақат ҳар битта, алоҳида кўриб чиқиладиган йўналиш учун хос бўлган маълум бир жиҳатларни ажратиб кўрсатиш лозим. Анъанавий институционал таҳлилда рақобатли муҳит шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида иқтисодий субъектларга ҳуқуқлар бериш ва чекловлар шакли сифатида институте (муассаса) тушунчасини ажратиб кўрсатамиз. Янги институционал иқтисодиётга хос бўлган жиҳатлар расмий ва норасмий қоидалар, шартнома тизими таҳлили, институционал тузилма ва тшкілот шакллари тадқиқ этиш ҳисобланади. Тизимли ёндашувда ички ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда ҳам, уни ижтимоий иқтисодий тизимга киритиш нуқтаи назаридан ҳам институционал таркиб ва унинг ўзгаришини тадқиқ қилиш кўзда тутилади.

Монополияга қарши бошқарувнинг институционал жиҳатларига услубий ёндашув Германия иқтисодий мактаблари билан боғлиқдир. В.Леонтьев ёзишича, Америка иқтисодиётининг буюк мутафаккирлари, Т.Веберни ва У.К.Митчелни назарда тутиб, “иқтисодиёт фанида миқдорий тавсиф услубларини танқидий ёндашиб Германия тарихий мактаблари ёндашувларини давом эттирдилар. Икки аср оралиғида АҚШда Германия мактабининг таъсири инглизларникидан кам эмас, балки юқорироқ бўлган”.

Шу билан бирга, Германия тарихий мактабларининг ўхшашлигини тан олиш билан, иқтисодий ўсиш йўналишларининг асосланишида ушбу мактаб удумларини тўлалигича ва шартсиз равишда давом эттирган деб бўлмайди. Бунга бир неча сабаблар бор.

Биринчидан, германиялик муаллифлар тўлалигича А.Смитнинг назарий қарашларини тан олганлар. Германия муаллифлари ва мактабнинг

шаклланиши XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бу даврда Пруссия юнкерларининг (мулкдор деҳқонларнинг) Германияда эркин савдо ўрнатилиши ва иқтисодий эркинликнинг бошқа жиҳатларини, эркин рақобатни тараққий этишга қаратилган ҳаракатларини қўллаганлар. Иккинчидан, Германия мактабларининг изланишларида бозор иқтисодиёти тараққиётининг табиий кечиши ва иқтисодиётдаги мувозанат инсоният тараққиёти давомида ўз-ўзидан эришилиши таъкидланиб келинган. Учинчидан, Германия мактабининг изланишлари иқтисодиёт ислоҳотлари жараёнида “эркин тадбиркорлик”ни чеклаши мумкинлиги ҳаёлига келмаган.

Шундай экан, институционализмни иқтисодий изланишнинг мустақил йўналишлари деб баҳоласа бўлади. Бу назария ўзидан олдинги мактабларнинг энг илғор ва мукамал фикрларини мужассам этган. Бунда математика ва унинг услубий томонлари, иқтисодий назария ютуқлари, маргинализмнинг иқтисодий таҳлил услублари, жумладан бозор конъюктураси (талаб ва таклифнинг таркиби) ўзгаришлари ва Германия олимларининг жамиятнинг ижтимоий психологияси таҳлиллари услубларини ўзида мужассамлаган. М.Блаугнинг таъкидлашича, “институционализмнинг” мазмун-моҳиятини аниқлашда биз унинг услубиятига хос учта хусусиятини белгилашимиз мумкин:

1. Неоклассик иқтисодиёт ва маргинализмга хос ўта абстрактлаш ва нархлар назариясини аниқлашда статистик услублар қўлланилишидан қониқмаганлик;

2. Иқтисодий назариянинг бошқа ижтимоий фанлар билан интеграциялашган ҳолда талқин қилиниши ва фанлараро ёндашув устунлигига ишонч.

3. Классик ва неоклассик назарияларнинг етарли даражада амалиёт билан боғланмаганлигидан норозилик ва аниқ миқдорий изланишларга тарафдорлиги.

Баъзи изланишларга кўра, институционализмнинг яратилиши Т.Вебленнинг 1899 йилда “Бекорчи синф назарияси” асари яратилиши билан

боғлиқлига ишора қилади. Аммо кейинчалик чоп этилган Ж.Коммонс ва У.Митчел асарларининг моҳияти инобатга олиниб, институционализм назарияси ХХ асрнинг 20-30 йилларига тўғри келиши таъкидланади.

Америкалик олимлар ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзаро мувофиқлаштириб турувчи зарурият бевосита монополияларга қарши қаратилганлик, иқтисодий ўсишга жамиятдаги муносабатлар мажмуаси таъсир этиши сингари ғоялар бирлаштириб туради.

Ф.Хайекнинг ёзишича<sup>5</sup>, “агар қайсидир соҳаларда монополиядан четлаб ўтиб бўлмаса, унда америкаликларнинг ёндашувлари, яъни давлатнинг хусусий монополиялар устидан назоратни ўрнатиши энг яхши қарордир. Бевосита давлат бошқарувидан кўра, ушбу ёндашувнинг босқичма-босқич жорий қилиниши анча юқорироқ ижобий натижа беради”.

Бошланғич институционализм вакиллари – Т.Веблен, У.Хамилтон, Д.Коммонс, У.Митчел капитализм-бозор иқтисодиёти қонунларини талқин қилишда турли ижтимоий жараёнларни тизимлаштиришга ва ёритишга уринганлар ҳамда буни институция (муассасавийлик) ибораси билан атаганлар. Институциялар деганда улар турли ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишган. Жумладан, солиқлар, оила, давлат, касбий уюшмалар, рақобатчилик, монополиялар, хусусий мулкчилик ва молиявий тизим. Шу қатори психологик, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа ҳодисалар, удумлар, инстинкт, одатлар ва ҳоказоларни изоҳлашади.

Т.Вебленнинг ёзишича, “институтлар бу одат тусига кирган фикр юритишга мувофиқ одамларнинг яшашлари ва ўзларини тутишларидир...”

Умуман олганда эса, институциялар бу ўз асосида турли касбий ёки ижтимоий гуруҳлар психологиясини юридик жиҳатдан тасдиқловчи одатлардир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичиданоқ институционал ўзгаришларга алоҳида аҳамият қаратилди. Шунга кўра иқтисодиётда монополиялашув тенденциялари пайдо

---

<sup>5</sup> Хайек Ф.А. фон. Дорога к рабству. – М.: Экономика, 1992. 147 б

бўлиши муносабати билан эркин рақобат чекланади. Соғлом рақобатчилик муҳитини яратишда давлатнинг роли ошиб боради. Буни давлатнинг монополлашув жараёнига қарши олиб борадиган сиёсатида кўриш мумкин. Бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратишга эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усуллари қарор топтиришга қаратилади. Рақобатни ҳимоя этишнинг асосий дастаги бу – монополияларнинг фаолиятини антимонопол қонунлар асосида бошқаришдир.

Давлатнинг хусусий монополияларни жиловлашга қаратилган тадбири 1890 йилда АҚШда қабул қилинган «Шерман қонуни» бўлиб, у тарихда антитрест қонуни деб ном олган.

Бозордаги вазият тез ўзгариб туради. Унинг ҳисобини назорат қилиб туриш қийин кечади. Шу боисдан антимонопол қонунлар ўзининг ноаниқлиги билан ажралиб туради. Рақобатни чеклаш борасида конкрет аҳвол шундайки, бу қонунларни кенг талқин қилишга тўғри келади.

Антимонопол қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ қилиш бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруриятдир. Чунки эркин рақобатга йўл бермай туриб, бозорни шакллантириб бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистонда 1992 йилда монополизмга қарши кураш қонунчилигига асос солинди. Худди шу йили республикамизда монополистик фаолиятни чеклашга доир қонун қабул қилинди.

Қонун моҳиятига кўра бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усуллари қўллаш ман этилади. Қонун бандларини бузганлар тегишли равишда рақибига этказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари шарт. Улар ғирромлик билан олинган фойдадан маҳрум этилади. Мазкур қонун рақобатчилик тизимига хизмат қилади. Хўш, қонуннинг амал қилиниш доираси қандай изчилликда боряпти, унинг фаолиятини кучайтириш учун нималарга аҳамият бериш керак? Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI

асрга интилмоқда» асарида шундай дейди: «Биз монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида қонун қабул қилганмиз, лекин у амалда иш бераётгани йўқ. Статистик маълумотларга қараганда, эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келяпмиз».

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, монополиячиликка қарши тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи устидан тазйиқини тугатиш иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига, рақобатли муҳит шаклланишига, бозорнинг товар ва хизматлар билан бойишига олиб келади. Айрим корхоналар ва тижорат тизимларининг монопол мавқеини тугатиш, уларни бозорга тазйиқ кўрсатиш соҳасини тақсимлаб олиш бўйича келишувларига йўл қўймаслик соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади, нарх-наволарнинг сунъий равишда кўтарилишига, монополия йўли билан устама фойда олишга қарши омил бўлиб хизмат қилади.

## **II-боб. “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили**

### **1. “Ўзсаноатқурилиш банк”да монополияга қарши бошқарув механизми таҳлили**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш масаласида банклар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Бу юзадан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлайди<sup>6</sup>: “Иқтисодий истоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт батамом барбод бўлади. Аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашади. Ижтимоий зиддиятлар кучая бориб, тангликка олиб келади. Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шундан далолат беради.

Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз”.

Дарҳақиқат, мустақиллик йиллариданоқ бошқа соҳалар сингари иқтисодий тармоқда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш, банк тизимини тартибга солиш ва нормал ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган турли чора-тадбирларнинг салмоғи кенг. Бу борада қатъий молиявий сиёсат ўтказиш, бюджет маблағларини қаттиқ назорат остида, давлат томонидан даромад тушишига қараб ажратиш лозим экани мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра иқтисодий вазиятни умумий тарзда соғломлаштириш бюджетнинг даромад қисми кўпайишининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга институционализмнинг монополияларга қарши ижтимоий ёндашуви унинг

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. – Тошкент. «Ўзбекистон». 2011 й.

назариётчиларини ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг талқинида асосланган ёндашувлари муҳим аҳамият касб этади.

Институционализм назариясининг яратилиши иқтисодиётнинг амалий масалаларини ҳал қилиниши эҳтиёжларидан келиб чиққан. Турли трестлар ва синдикатларнинг “ҳаддиларидан ошишлари” иқтисодиётнинг нормал фаолиятига муаммолар яратиши ва иқтисодиётга давлатнинг кўпроқ аралашувида эҳтиёжларнинг ўсишига олиб келди.

Банк фаолияти эса бевосита иқтисодиётнинг пойдевори сингаридир. Банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиганларга берилади. Айни вақтда, асосиз кредит экспанциясига, заём маблағлари сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий қоидадир. Бугунги кунда банклар инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири, ҳар бир тармоқда тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлишлари керак.

«Ўзбекистон саноат-қурилиш банк»и республиканинг етакчи тижорат банкларидан бири бўлиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиради ҳамда иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорларни ва аҳолини кредитлар билан таъминлайди. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламда чакана хизматлар кўрсатади.

Мазкур банк фаолиятининг асосий йўналишлари – бу иқтисодиётнинг таркибий туб ўзгаришларида, саноатни модернизациялаш, техникавий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларида кенг миқёсда иштирок этиш, корхоналарни қўллаб-қуватлаш ва уларни молиявий соғломлаштириш, ресурс базасини жадал кенгайтириш ҳисобланади. Сармоялаш салоҳиятини, капиталлашув даражасини доимий тарзда ошириш, молиявий ресурсларнинг манбаларини диверсификациялаш – банк амалиётлари қўламини кенгайтирилиши учун ҳам, банкнинг кредит берувчилари, депозиторлари (омонатчилари) ҳамда сармоядорлари олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши учун ҳам замин

яратади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” 1991 йилда банк акциядорлик – тижорат банкига айлантирилди. 2009 йилда банкнинг номи “Ўзбекистон саноатқурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки (“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ) деб ўзгартирилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўзининг бир неча ўн йиллик фаолияти мобайнида йирик инвестиция муассасасига айланди. Ҳозирги рақобат шароитида мазкур банк мамлакат молиявий бозоридаги нуфузли ўринларни эгаллаб, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхона ва ташкилотларнинг узок муддатли лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги замонавий банк хизматларини кўрсатувчи етакчи банклардан бири сифатида замонавий технологияларни жорий қилиш ва рақобатбардош хизматлар кўрсатмоқда.

Республикаимиз Президентининг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини ва макроиқтисодий мувозанатни, асосий тармоқларнинг барқарор фаолиятини ва аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини мақсадли молиялаштириш юзасидан белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш – “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБни 2011 йил йилдаги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Ҳукумат томонидан қўйилган мазкур вазифаларнинг аҳамиятлилигини англаган ҳолда ҳамда уларни самарали ижро этиш мақсадида банкнинг тузилмаси тубдан қайта кўриб чиқилди.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётида инновацион жараёнларни амалга ошириш механизмлари ва йўналишларининг ўзгариши рўй бермоқда. Инновациалар иқтисодий ўсишнинг иқтисодиётни интеллектуаллаштиришга асосланган олға томон ҳаракатланувчи асосий кучига айланмоқда. Шу боисдан ҳозирги шароитларда фақат инновацион, айнан кўп илм талаб қиладиган, малакали ишчи кучида мужассам топган билимларга асосланган юқори технологияли иқтисодиётгина рақобатбардош бўлиши мумкин.

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқироздан кейин иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида иқтисодиётда инновацион жараёнларни фаоллаштириш юқори самара беради. Бу борада иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли тurtки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш лозим.

Бугунги кунда инновацион ривожланишда инновациаларнинг чизиқли модели анъанавий равишда етакчи рол ўйнамоқда. Ушбу моделга мувофиқ ишлаб чиқилган фундаментал илмий ғоялар амалий тадқиқотларда мужассам топмоқда. Бу тадқиқотлар уларни амалга ошириш натижасида илғор технологиялар вужудга келадиган инновациялар учун асос бўлиб хизмат қилади. Модел XX асрда ўзини жуда яхши кўрсатди ва аввалгидек, XXI асрда ҳам ривожланган мамлакатларда муносиб рол эгаллайди. Чизиқли моделга кўшимча равишда ривожланган мамлакатларда “инновациялар кўп миқдордаги манбалар модели” ҳам аста секинлик билан жорий қилинаётган бўлиб, унга кўра инновациялар инновация тизимининг исталган қисмида вужудга келиши мумкин.

Гарчи илмий тадқиқотлар инновацияларнинг муҳим ҳаракатланувчи кучи бўлиб қолаверсада, улар бундай ягона куч ҳисобланмайди. Шу боисдан илмий тадқиқотчилик институтлари анъанавий ролини қайта кўриб чиқиш лозим. Янги билимлар давлат тадқиқотчилик ташкилотлари ёки компанияларининг тадқиқотчилик бўлинмаларидагина эмас, балки бошқа кўплаб ижтимоий структураларда яратилади. Муҳандислар, савдо агентлари, бошқа ёлланма ходимлар ва истеъмолчиларнинг кундалик фаолияти ва тажрибаси инновацион жараёнга муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш, сотув ва истеъмол соҳаларидан келиб тушадиган ғоялар ва

таклифлар асосида янгиликларнинг пайдо бўлиши иқтисодий агентлар ўртасида ўзаро алоқалар ривожланган тизимлар учун характерлидир.

Бунинг устига, инновацион жараён фақат технологиялар соҳаси билан чекланиб қолмай, институционал, ташкилий ва бошқарув инновацияларини ҳам қамраб олади. Бу билимлар амалда мавжуд анъанавий концепцияларга киритилиши мумкин эмас ва баъзида уларнинг доирасига ҳам сиғмайди. Инновациялар кўп миқдордаги манбаалар модели элементлар хилма-хиллигини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш ва уларнинг ижодий ўзаро алоқалар қилиши учун шароитлар яратиш механизмига йўналтирилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк”и фаолиятининг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Банк капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлиги даражасини халқаро стандартларга мувофиқ тарзда янада кўтаришни таъминлаш;
- Банк активлари, жумладан кредит портфелини янада ўстириш ва яхшилашни таъминлаш, хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш;
- Жозибадор депозитлар тизимини йўлга қўйиш ва доимий янгилаб бориш орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш. Омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш йўли билан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш;
- Банкнинг инвестиция ва кредит сиёсати ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни узоқ муддатли кредитлаштириш механизмларини янада такомиллаштириш йўли билан банк инвестицион фаолияти ва кредитлаштириш ҳажмларининг кенгайтириш, ушбу мақсадлар учун банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, экспортга ишловчи корхоналар фаолиятларини қўллаб-қувватлаш. Жумладан, стратегик жиҳатдан жиддий аҳамиятга эга бўлган

лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш;

- Кичик бизнес субъектларини, жумладан оилавий тадбиркорликни молиявий-кредитлаш асосида қўллаб-қувватлаш йўли билан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишда иштирок этиш. Янги ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ёки мавжуд озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришлари, маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, жумладан аёллар меҳнатидан фойдаланган ҳолда ва чекка жойларда ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган минтақаларда амалга оширилувчи лойиҳалар, аҳоли бандлигини таъминлашга кредитлар тақдим этиш;

- Микромолиялаштириш соҳасини ривожлантириш;

- Молиявий нобарқарор ва банкрот корхоналар фаолиятларини қайта тиклаш ва уларга стратегик сармоядорларни жалб қилиш;

- Аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилаётган молиявий банк хизматлари ҳажмлари ва спектрини кенгайтириш. Янги молиявий воситаларни, жумладан консалтинг хизматлари ҳамда фондлар бозорида профессионал хизматларни йўлга қўйиш. Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш учун VISA халқаро пластик карточкаларини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш, савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарида содиқлик лойиҳалари, корхоналарда иш ҳақи лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш давом эттирилади. Пластик карточкалардан фойдаланиб on-line режимида сутка давомида коммунал тўловларни амалга оширишга имкон берувчи кенг оммага хизмат кўрсатувчи тўлов-маълумот бериш электрон терминалларининг (инфокиоск) кенг тармоғини ташкиллаштириш воситасида хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш. Ахборот- алоқа технологиялари, жумладан Интернет-банкнингни кенг қўллаган ҳолда банк хизматларини кенгайтириш;

- Банкда замонавий технологияларни ва молиявий-банк ҳисоби ва ҳисоботлари бўйича услубиятларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, молиявий-банк

ва кредит ахборотлари сифати ва даражасини кўтариш, ундан кенг омманинг фойдаланишини таъминлаш;

- Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш;
- Молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, банкни юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш.

Бизнинг фикримизча, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг республика молиявий секторининг энг жадал ривожланаётган муассасаларидан бири сифатидаги мақомини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, фаолият табиатининг универсаллиги, кенг миқоз базаси, фойдаланилаётган технологиялар даражасининг юқорилиги, ривожланган филиаллар тармоғи ва етарли даражада капиталлаштириш республика иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги маҳаллий корпоратив тармоқ молиявий фаолиятини янада яхшироқ таъминлаш учун хизмат қилади.

## **2. “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолияти таҳлили**

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ бой тарихга эга ва у ташкил топган даврдан буён улкан тажриба тўплаган. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ республиканинг етакчи универсал тижорат банки сифатида юқори иқтисодий имкониятларнинг шаклланиши ва республиканинг янада динамик ривожланишига кўмаклашган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторига мақсадли сармояларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга банк йирик инвестицион лойиҳаларни ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорларни молиялаштириш учун хорижий кредитларни кенг даражада жалб қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ республиканинг энг йирик инвестиция банкларидан бири сифатида давлат томонидан ҳам, банк акциядорлари томонидан ҳам юқори даражада қўллаб-қувватланмоқда. У ҳозирги вақтда энг мақбул миқозлар базасини шакллантирган ва деярли барча турдаги банк

хизматларини кўрсатган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг молиявий секториди ўзининг муносиб ўрнига эга.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ стратегияси мамлакат нефт ва газ саноати, қурилиш ва энергетика мажмуалари корхоналари ишлаб чиқаришини қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни узок муддатли кредитлар орқали қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Шу билан бир вақтда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришга, уларни модернизация қилиш ва молиявий барқарорликларини янада кўтаришга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Банк учун чакана хизматлар соҳасини ривожлантириш, кенг оммага хизмат кўрсатувчи савдо терминаллари тармоғини ташкиллаштириш воситасида хизматлар сифатини кўтариш ҳам банк фаолияти ривожланишининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

#### 1-жадвал

### “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ кредит ва унга ҳисобланган фоизлар сўндирилиши<sup>7</sup>

	Тўлаш санаси	Сўндирилиш лозим бўлган кредит суммаси	Кредит қолдиғи	Фоизлар тўлови	Умумий тўлов
1	2	3	4	5	6
Йиллар	1 ой		5000000	75000	75000
	2 ой		5000000	75000	75000
	3 ой	500000	4500000	67500	567500
	4 ой	500000	4000000	60000	560000
	5 ой	500000	3500000	52500	552500
	6 ой	500000	3000000	45000	545000
	7 ой	500000	2500000	37500	537500
	8 ой	500000	2000000	30000	530000
	9 ой	500000	1500000	22500	522500
	10 ой	500000	1000000	15000	515000
	11 ой	500000	500000	7500	507500
	12 ой	500000	0	7500	507500
<b>Жами</b>		5000000		495000	5495000

<sup>7</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ маълумотлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш - кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” мобайнида банк жалб қилинган ва ўз маблағлари ҳисобига, жумладан имтиёзли асосда кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш орқали, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди.

Ўтган йиллар мобайнида “Ўзсаноатқурилиш банк” ОАТБ ўз ресурс салоҳиятини қатъий ўстириб, оқилона таваккалчилик ва самарали бошқарув услубидан иборат бўлган пухта ривожланиш сиёсатини олиб борди.

Бунда банк капиталининг барқарор ўсиши – ривожланиш стратегисининг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилди. 2012 йилнинг 1 январи ҳолатига келиб банкнинг хусусий капитали 224,9 млрд. сўмга етди. Бу кўрсаткич 2011 йилдаги даражага нисбатан 41,6 млрд. сўм ёки 22,7% кўп демакдир.

Устав капиталининг умумий ҳажми 148,0 млрд. сўмга етказилди, улардан 143,05 млрд. сўми оддий акциялар ва 4,95 млрд. сўми – имтиёзли акциялар ҳиссасига тўғри келади.

2011 йилда молиявий ресурсларнинг умумий ҳажми 1490,4 млрд. сўмга кўпайди ва 3235,6 млрд. сўмни ташкил қилди.


Банк мажбуриятлари таркибида юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари энг катта улушни, яъни 46,9% (1516,8 млрд. сўм)ни ташкил этди. Уларнинг ҳажми ҳисобот даврида 610,1 млрд. сўмга ортди. Шунингдек, кредит ташкилотларидан 1386,4 млрд. сўм (42,8%) жалб қилинган бўлиб, шундан нобанк молия муассасалари ресурслари – 898,0 млрд. сўмни, бошқа банкларнинг кредит линиялари – 474,0 млрд. сўмни, Марказий банк маблағлари - 7,0 млрд. сўмни, Молия вазирлиги ресурслари – 3,4 млрд. сўмни, нобюджет фондлар маблағлари – 0,4 млрд. сўмни ва бошқа кредиторлар ресурслари – 3,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳукумат қарорларини бажариш доирасида кичик бизнес вакилларига 2011 йил давомида жами 298,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, шундан 29,6 млрд. сўми микрокредитлардир.

Тармоқлар бўйича кўрадиган бўлсак, кичик бизнес субъектларига берилган кредитлардан 94,2 млрд. сўм (32%) - саноатни ривожлантиришга, 16,3 млрд. сўм (5%) – қишлоқ хўжалигига, 63,5 млрд. сўм (21%) – қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 80,9 млрд. сўм (27%) – айланма маблағларни тўлдиришга ва 44,0 млрд. сўм (15%) – бошқа тармоқларга йўналтирилди. Кичик бизнес вакилларига берилган кредит ҳисобига 8,2 мингта янги иш ўринлари яратилди. Қуйидаги диаграммада банк томонидан кичик бизнесга берилган кредитларнинг динамикаси келтирилган.

### 1-диаграмма

#### Кичик бизнесга берилган кредитларнинг динамикаси (млн. сўм)<sup>8</sup>



Мазкур диаграммада кўриниб турибдики, кичик бизнесга ажратиладиган кредитлар миқдори ва унинг ўсиш суръати йиллар давомида кенгайиб борапти. “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар 2005 йилда 20 332,10 млн. сўмни

<sup>8</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ маълумотлари.

ташқил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилда 48 426, 10 млн. сўм, 2007 йилда 107 774, 5 мон. сўм, 2008 йилда 142 962, 9 млн. сўм, 2009 йилда 162 497, 6 млн. сўм, 2010 йилда 208 321, 5 млн. сўм ҳамда 2011 йилда 298 914,4 млн. сўмни ташқил этган.

“Ўзсаноатқурилиш банк” фаолияти ўтган йиллар мобайнида таҳлил этилса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадларига 17,6 млрд. сўмлик кредитлар берилганини қайд этиш ўринлидир.

Шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан 18 млрд. сўм миқдорида микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини юқори технологияларни ва инновацияларни жорий қилишга доир лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси шакллантирилди. Мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 46,6 млрд. сўмлик, жумладан 2011 йилда 5,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

2011 йил мобайнида чорвачиликни кенгайтириш учун 5,1 млрд. сўмлик, парранда етиштиришни ривожлантириш учун эса 4,6 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг 25,0 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 январдаги “Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган тадбирлар режасини бажариш бўйича истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар, фермер хўжаликлари ва яққа тартибдаги тадбиркорларга 59,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди, жумладан:

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга хом-ашё ва материалларни харид қилиш учун 40,0 млрд. сўм, технологик жиҳозларни сотиб олиш учун 17,5 млрд. сўм, лизинг шартлари асосида молиялаштириш учун 0,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди;

- фермер хўжаликлари ва тадбиркорликнинг бошқа субъектларига 19 та иссиқхона яратиш учун 1,7 млрд. сўм миқдоридаги кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 январдаги “Ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида”ги Қарорини ижро этиш борасида ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва улгуржи савдо корхоналарига жами 62,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди, жумладан:

- технологик асбоб-ускуналар харид қилишга - 22,5 млрд. сўм;
- хом-ашё сотиб олишга - 32,8 млрд. сўм;
- улгуржи савдони ривожлантиришга - 7,2 млрд. сўм.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига хорижий инвестицияларни фаол тарзда жалб қилиш ҳисобига “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ кўмагида амалга оширилган кичик бизнеснинг энг истиқболли лойиҳалари сирасига Андижон ва Наманган вилоятларида автомобилларга ёғилги ва газ қўйиш бўйича замонавий станцияларни ташкиллаштириш, Тошкент шаҳрида юк ташиш хизматларини кўрсатиш, Хоразм вилоятида товуқ гўшти ва тухум ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Бухоро вилоятида гилам маҳсулотлари ва Тошкент шаҳрида полиэстер ипларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Тошкент шаҳрида мебеллар ва ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича бир қатор лойиҳаларни киритиш мумкин.


Кичик бизнес субъектлари инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши туфайли банкнинг бевосита кўмагида республика корхоналари замонавий технологик жиҳозларни олдилар, янги иш ўринлари яратилди. Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш учун хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича ўтказилаётган ишлар доирасида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан истиқболли лойиҳаларни танлаш ва молиялаштириш бўйича ишлар доимий асосда ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодийни реал секторига инвестиция жараёнларини фаоллаштиришда тижорат

банклари иштирокини кучайтиришга йўналтирилган топшириқлари ва дастурий кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан миллий ва хорижий валютада иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаол ишлар давом эттирилди. Бунда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларига эътибор кучайтирилди.

2011 йил якунлари “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБни яна бир бор иқтисодиётни реал сектори корхоналарини ишончли ҳамкори эканлигини исботлади. Банк кредит портфели таркибидаги инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитлар улуши 1618,03 млрд. сўмга етди.

Микрокредитларни ҳам тармоқлар мисолида таҳлил қилинса, 5,9 млрд. сўм (20%) - саноатни ривожлантиришга, 3,1 млрд.сўми (10%) – қишлоқ хўжалигига, 5,8 млрд.сўми (20%) – қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 10,3 млрд.сўми (35%) – айланма маблағларни тўлдиришга ва 4,5 млрд.сўми (15%) – бошқа тармоқларга йўналтирилганлиги кўриш мумкин. Берилган микрокредитлар ҳисобига 2,3 мингта янги иш ўринлари яратилди. Қуйида келтирилган диаграммада 2011 йилда банк миқозларига берилган микрокредитлар динамикаси (млн. сўм ҳисобида) ўз ифодасини топган. Унга кўра “Ўзсаноатқурилишбанк”и томонидан банк миқозларига берилган микрокредитлар ҳажми 2005 йилда 4 556,40 млн. сўми ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2006 йилда 5 375,10 млн. сўм, 2007 йилда 7 578,20 млн. сўм, 2008 йилда 10 880,60 млн. сўм, 2009 йилда 14 867,10 млн. сўм, 2010 йилда 20 360 млн. сўм ҳамда 2011 йилда 29 626 млн. сўми ташкил этади. Кўриниб турибдики банк томонидан миқозларга ажратиб берилган микрокредитлар миқдори суръати йил сайин ортиб бормоқда.

Берилган микрокредитлар динамикаси (млн. сўм)<sup>9</sup>

Молиялаштирилган кредитлар ичида чет эл банклари, халқаро молиявий муассасалар ва Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси маблағларини қайта молиялаштириш сифатида берилган хорижий валютадаги кредитлар салмоқли улушга эгадир. 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра хорижий валютадаги кредит қўйилмалари 2011 йил мобайнида ҳисобот йили бошидагига нисбатан 51% га ўсиб, 836,32 млн. АҚШ долларига етди.

Хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 96 фоизи ёки 799,12 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қисми инвестиция мақсадларига йўналтирилган бўлиб, аввалги йилга нисбатан 49% га ўсди.

Ҳозирги вақтда модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича Давлат дастурлари, ҳукуматлараро келишувлар ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти топшириқларига мувофиқ нефт-газ, кимё, авиация саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, шунингдек коммунал хизматлар соҳасида бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга

<sup>9</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ маълумотлари.

оширилди.

Умуман олганда, 2011 йилда Банк томонидан саноатнинг устувор соҳаларига оид стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий валютада 426,92 млн. АҚШ доллари ҳажмида маблағлар ажратилиб, улардан 281,78 млн. АҚШ доллари – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг, 145,14 млн. АҚШ доллари – Хитой банкларининг кредит линиялари ҳисобига молиялаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қайта молиялаштирилаётган Хитой банклари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўртасида тузилган Ҳукуматлараро келишув доирасида жалб қилинмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг имтиёзли кредит линиясини қайта молиялаштирилишида етакчи бўғин ҳисобланади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ шунингдек, ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси маблағларини қайта молиялаштирувчи йирик банк сифатида танлаб олинган. Сўнгги йиллар давомида мазкур жамғарманинг иқтисодиётнинг реал секторига ва қайта молиялаштирувчи йирик банк сифатида, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБга кўйилмалари юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолган ҳолда, ҳар йили энг камида 30%га ортмоқда.

### **3. “Ўзсаноатқурилиш банк” фаолиятида рақобатбардошлик таҳлили**

Кўпгина иқтисодчи олимлар такомиллашган рақобат курашини назарий жиҳатдангина таҳлил қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Рақобат курашининг бундай турининг кичик бизнес, фирма, фермер ва деҳқон хўжаликлари, фонд биржалари, валюта бозорларида амал қилишини ҳисобга олсак, у молекуляр рақобат кураши деб номланиши ҳам мумкин. Мукамал бўлмаган рақобат деганда, соф (мукамал) рақобат бозорининг бирор-бир

шарти бажарилмаслиги тушунилади. Рақобатнинг бу хил кўриниши уч турга ажратилади:

- а) монополистик рақобат;
- б) олигополия;
- в) соф монополия.

Монополистик рақобат асосан ишлаб чиқариш монополиялари шаклида, ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги рақобат асосида вужудга келади. Фан ва техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш йириклашади ва марказлашади. Бу монополиялар бозорнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш йўналишларига қараб назорат қилиб турадилар. Монополиялар рақобат курашини юмшатиш мақсадида ўзаро қўшилиш ҳолатлари бўлади ёки маҳсулотларни сотиш ҳажми бўйича ўзаро келишиш битимларини тузади. Бу оқибатда монополияланиш ҳаракатларини ривожланишига олиб келади. Эркин рақобат кураши асосида товарларни сотиш бозорини асосий қисмини эгаллаши, уларга бозордаги нархлар устидан назорат қилишни таъминлайди. Бу, албатта, бозор иқтисодиёти рақобатини эркинлаштиришга зид ва хавфлидир.

Технологиялашган монополиялар асосан ишлаб чиқаришда технологик жараён юқори бўлган иқтисодий тармоқлар корхоналарида бўлади. Масалан энергетика, самолётсозлик, металлургия ва бошқа шунга ўхшаш корхоналарда.

Илм-фан техника соҳаларида қўллашдаги монополиялар. Бу монополиялар ўзларининг ишлаб чиқариш жараёнида энг илғор технология ва машиналардан фойдаланишлари билан ажралиб турадилар. Албатта бундай монополиялар узоқ муддат ичида якка ҳукмронлик қилолмайдилар. Чунки фан ва техника янгиликларининг ишлаб чиқариш субъектлари доирасида ёйилиши танҳо ҳукмронликни барбод этади.

Давлат монополияси миллий валюта эмиссиясини бошқариб боради ва ишлаб чиқариш жараёнига зарур бўлган ижтимоий товарларни ишлаб

чиқаришни ташкил этади. Масалан, мамлакат мудофасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштириш ва бошқалар. Административ бошқарув монополияси моҳияти асосан иқтисодий тараққиётни марказлаштирилган бошқарув усули орқали олиб борилиши билан изоҳланади. Давлат директив режалар асосида ишлаб чиқариш йўналишларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва бошқа иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини белгилаб беради. Административ бошқарув монополияси шаклида умуман рақобат жараёни бўлмайди ва уни такомиллаштириб ҳам бўлмайди. Уни фақат тугатиш мумкин.

Такомиллашмаган рақобатнинг яна бир тури олигополия шароитидаги рақобатдир. Олигополия рақобати бир неча йирик фирмалар ҳукмронлик қиладиган бозорларда шаклланади. Олигополия бу маълум тармоқларда ишлаб чиқаришнинг энг катта қисмини ўз қўлида ушлаб туради. Натижада шу тармоқ бўйича бозорда уларнинг ҳукмронлигини, уларга энг юқори фойда олишни таъминлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб соф ва табақалаштирилган олигополия фарқланади. Соф олигополия корхоналари бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаради. Табақалаштирилган олигополия турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Олигополия ҳукмрон тармоқларда ҳам стандартлашган, ҳам табақалашган маҳсулот ишлаб чиқаради. Стандартлашган маҳсулотларга пўлат, руҳ, мис, алюминий, қалай, семент, техник спирт каби моддий шакли аниқ маҳсулотлар киради. Табақалашган маҳсулотга ҳар турли истеъмол буюмлари (масалан: турли маркали автомобиллар, кир ювиш машиналари, электр асбоблари ва б.) киради.

Олигополия тармоқларида йирик 3-4 фирма маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини назорат қилади. Масалан, сотилган автомобилларнинг 90 фоизи АҚШ автомобиль саноатидаги катта учлик: «Женерал моторс», «Форд» ва «Крайслер» ҳиссасига тўғри келади. Япониянинг «ТОУОТА», «ХОНДА», «НИССАН» каби автомобиль

компаниялари худди шундай мавқега эга. Олигополия тармоқларига янги фирмаларнинг кириб келиши қийин, чунки у ердаги фирмалар билан беллашув учун ғоят катта пул керак, унга эса кўпчилик эга эмас. Бу тармоққа бир амаллаб кириб қолган кичикроқ фирма технологик устунликларга эга бўлган йирик фирмалар билан рақобат қила олмай, бу тармоқни тарк этади. Беллаша олгани учун олигополия бор жойга фақат кучли фирмалар келиши мумкин, чунки улар рақиб қўйган тўсиқлардан ўта олади. Олигополия шароитида рақобат чекланган ҳисобланади.

Олигополияларнинг вужудга келиши бир неча фирмаларнинг биргалашиши натижаси ҳисобланади. Бирлашишнинг асосий сабаби бозордаги ўз улушини кўпайтириш, бозорни ва баҳоларни назорат қилишдир.

Соф монополия рақобати деганда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда фақат битта фирманинг фаолият кўрсатиши тушунилади. Бу ерда бутун бир тармоқ битта фирмадан иборат бўлади. Фирма ишлаб чиқарадиган маҳсулот ғоят ноёб бўлиб, унинг муқобили бўлмайди. Харидор олдида икки йўл бор: товарни монополист айтган нархда сотиб олиш ёки сотиб олмаслик. Бу ерда монополистик маҳсулот турига қараб рекламадан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Соф монополияга амалда кириш мумкин эмас. Танҳо ҳукмронлик товарларни монопол баҳоларда сотишни ва монопол фойда олишни таъминлайди. Чунки унга кириш учун ниҳоят даражада кўп капиталга эришган бўлиши керак. Соф монополияни гоҳида табиий монополия деб атайдилар. Бундай ҳолда табиий монополияга давлат ва унинг мулкка монопол эгалик қилиши тушунилади. Масалан, электр станциялари, Ўзбекистон ҳаво йўллари, коммунал хўжалик вазирликлари, Ўзбекистон «Ўзбекнефтгаз» Миллий Холдинг Компанияси кабилар давлатга қарашли ва унинг танҳо эгалигини ифодалайди.

Соф монополия шароитида монополист монополистик баҳоларни пасайтириш билан ишлаб чиқариш ҳажмини оширади. Фойдани эса маҳсулотлар сифатини ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга эришилган ҳолда ошириб боради. Монополист жуда юқори баҳони

белгиламайди. Юқори харажат ва паст талаб монополистга юқори баҳони белгилаш ва фойда олишга имконият бермайди.

Монополист даромадларнинг тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда бир хил товарларга ҳар хил баҳо белгилайди. Бунинг сабаби асло харажатларнинг ҳар хил бўлиши билан боғлиқ эмас. Бир хил товарларга ҳар хил баҳоларнинг белгиланиши баҳоларнинг табақалашуви дейилади. Баҳоларни ҳар қандай сотувчи ҳам табақалаштира олмайди. Бунинг учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

Сотувчи катта маблағга ва бозорда ҳукмронлик мавқеига эга бўлиши. Сотувчи харидорларни аниқ синфларга ажрата олиши. Дастлабки харидор маҳсулотни олиб-сотиш имкониятига эга бўлмаслиги керак.

Соф монополиянинг мавжуд экани иқтисодий жараёнларда қарама-қарши бўлган оқибатларга олиб келади. Монополист маҳсулот ҳажмини қисқартириб, баҳоларни ошириши ресурсларнинг нотекис тақсимланишига олиб келади. Монополиянинг мавжуд эканлиги даромадларнинг нотекис тақсимланишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида илмий техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга тўсқинлик қилади. Баҳоларни табақалаштириш имкониятига эга бўлган монополистларгина маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятига эга бўладилар.

Давлат корхоналари, фирмалар ўртасида эркин рақобатни таъминлаш учун уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар ва монополиялар фаолиятини антимонопол ва турли иқтисодий тадбирлар орқали чеклашга, монопол рақобатни олдини олишга ҳаракат қилади.

Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорики, усиз бозорни тасаввур қилиб бўлмайди, чунки у бозор иқтисодиётининг мазмунига айланиб кетган. Шунини таъкидлаган ҳолда, Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида рақобат курашининг моҳияти ҳақида шундай дейди: «Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор

иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир».

Рақобат – умумижтимоий тоифа бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги кўпроқ фойдага эришиши учун бўладиган курашни англатади. Рақобат кураши ҳар қандай жамиятда амал қилади. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти бошқа фаолиятларнинг асосини ташкил қилгани учун кишилик жамияти ҳаётида рақобат кураши муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий соҳадаги рақобат ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва бошқалар ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитида арзон ишлаб чиқариш ресурслари ва ишчи кучига эга бўлиш, унумлироқ технология, иш жойи, яхши, самарали бозорга кира олиш, умуман юқори даромад олиш имконияти учун олиб бориладиган курашдан иборатдир.

Рақобат бозор механизмини асосий қисмини ташкил этади. Унинг вазифаси:

- у ишлаб чиқаришни, иқтисодий ижтимоий зарурий шароитларга эга бўлишни таъминлайди;
- рақобат иқтисодий ресурсларини иқтисодий жиҳатдан самарали тақсимотини, керакли йўналишга тақсимлашни ифодалайди;
- рақобат иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамкорлик асосида фойдаланишни таъминлайди;
- рақобат даромадларни тақсимотини ишлаб чиқариш тармоқларини ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тақсимлашни таъминлайди;
- рақобат бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлган ва иқтисодий жиҳатдан носамарадор бўлган ишлаб чиқариш субъектларидан иқтисодий ривожланишни тозалашни таъминлайди.

Иқтисодий рақобатнинг асосини кишилар мулк эгалари сифатида алоҳидаланиши ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бор. Унинг барча фаолияти ўз манфаатига бўйсунган бўлади. Бу маънода

рақобат ишлаб чиқариш субъектларининг тўқнашувидан иборат. Рақобат энг аввал тадбиркорликка хосдир, у инвестициянинг ички табиатини ифодалайди.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида «фирром» рақобат тури мавжуд бўлади. Бундай рақобат курашига иқтисодий айғоқчилик, фирма белгисидан ноқонуний фойдаланиш, контракт талабларига риоя қилмаслик, ишлаб чиқариш стандартларига риоя қилмаслик, товарларга демпинг нархларини кўйиш, шантаж, рекет, коррупсия, иқтисодий жиноятчиликларни киритиш мумкин.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ рақобатбардошлиликни таъминлаш мақсадида асосий кадриятларни, тартиблилик, софлик, тажриба ва касбий маҳорат, очиқлик ва ҳаммабоплик хусусиятларини сақлаган ҳолда фаолият юритиб келади. Шунинг учун ҳар бир мижозга холисона ёндашув ва содиқ муносабат Банкнинг ўзига хос белгиси сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимизда 2013 йил - “Обод турмуш йили”да банкнинг янги режалари ва вазибалари мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, стратегик жиҳатдан муҳим бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестиция фаолиятини амалга ошириш, кичик бизнес, жумладан ёш оилаларни молиявий кўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир. Банклараро рақобатбардошликни таъминлашда барқарор иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлиш лозим.

Таҳлиллар натижасига кўра “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активлари 2012 йилда 3460,5 ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2011 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 79,4 фоизга ўсганини кўрсатади. Шунингдек, мажбуриятлар 85,4 фоизга, капитал 22,7 фоизга ва фойда 50,7 фоизга ўсганини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ фаолиятининг молиявий  
кўрсаткичлари<sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар	01.01.2011	01.01.2012	Ўсиш суърати (%)
<b>Активлар</b>	1928,5	3460,5	79,4
<b>Мажбуриятлар</b>	1745,2	3235,6	85,4
<b>Капитал</b>	183,3	224,9	22,7
<b>Фойда</b>	15,0	22,6	50,7

Капитални доимий равишда ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия – банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида қўшимча 24,25 млрд.сўмлик оддий акциялар муомалага чиқарилди.

Хусусий ва корпоратив мижозлар билан фаол ишлаш, Банк учун анъанавий бўлган маҳсулотларни такомиллаштириш ҳамда янги хизмат турларини ривожлантириш - 2011 йил якунлари бўйича катта молиявий натижаларга эришишга, амалиётларнинг самарадорлигини оширишга ва бизнесни жиддий равишда кенгайтиришга имконият яратди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ акциядорлик капиталининг йилдан йилга ўсиб бораётганлиги ушбу банкнинг рақобатбардошлигидан далолат беради. Хусусан, банк капиталининг шаклланишига кўра тўланган устав капитали 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра 34,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич 2009 йилда 100,0 млрд. сўмни, 2010 йилда 110,0 млрд.

<sup>10</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ маълумотлари.

сўмни, 2011 йилда 123,75 млрд. сўмни ва 2012 йилда 148,0 млрд. сўмни ташкил қилганлигини кўрамиз.

### 3 -жадвал

#### “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ акциядорлик капиталининг шаклланиши (млрд. сўм)<sup>11</sup>

Сана	Тўланган устав капитали (млрд. сўм)	Одий акциялар	Имтиёзли акциялар
01.01.2008	34,6	30,6	4,0
01.01.2009	100,0	96,0	4,0
01.01.2010	110,0	105,6	4,6
01.01.2011	123,75	118,8	4,95
01.01.2012	148,0	143,05	4,5

Банк хизматларига бўлган талаблар ўсиши ва Ўзбекистон банклари орасида рақобат даражасининг ошиши банк активлари шаклланишида ўз аксини топди. 2012 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг банк бозоридаги улуши 1532,0 млрд. сўм (79,4% )га ошди ва 3460,5 млрд. сўмдан иборат бўлди.


Банк активларининг асосий улуши кредит портфели ҳиссасига тўғри келиб, соф ссудалар миқдори 2255,5 млрд. сўмни ёки 65,2 фоизни ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида жойлаштирилган пул маблағлари - 270,4 млрд. сўмни ёки 7,8 фоизни, бошқа банклардаги маблағлар – 670,2 млрд. сўмни ёки 19,4 фоизни, бошқа активлар – 71,1 млрд. сўмни ёки 2,1 фоизни, инвестициялар – 35,9 млрд. сўмни ёки 1,8 фоизни, пул маблағлари – 53,4 млрд. сўмни ёки 1,5 фоизни, асосий воситалар – 62,1 млрд. сўм ёки 1,8 фоизни ва давлат қимматли қоғозлари портфели –

<sup>11</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ маълумотлари.

77,8 млрд. сўмни ёки 2,2 фоизни ташкил қилди. Қуйидаги диаграммада “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг тузилиши ифодаланган.

### 3 – диаграмма

#### “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ активларининг тузилиши (01.01.2012 й. ҳолатига кўра) <sup>12</sup>



Банк маблағларининг таваккалчиликка асосланган активларга нисбати (капиталнинг етарлилиги нормативи) 0,108 дан 0,131 гача ўзгарди ва йил натижаси бўйича 0,117 га тенг бўлди. Банк балансининг ликвидлиги ҳолатига катта эътибор берилди. Банкнинг муддати 30 кунгача бўлган кредиторларнинг талабларини қондириш лаёқатлиги (жорий ликвидлилик нормативи) энг қуйи чегараси 30% бўлса-да, 2011-2012 йилларда 79,4% ни ташкил қилди.

Фойданинг ўртача тортилган активларга нисбати – активларнинг ўртача тортилган рентабеллиги (ROAA) 0,9% дан 1,0% га, фойданинг ўртача капиталга нисбатан – капиталнинг ўртача тортилган рентабеллиги (ROAE)

<sup>12</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ маълумотлари.

12,6% дан 13,6% га ўсди ва банк молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичи 3,97% дан иборат бўлди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ – универсал тижорат банки сифатида республиканинг барча ҳудудларидаги турли хил мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабларини кенг миқёсдаги хизматлар кўрсатиш йўли билан қондириб келмоқда. Банк омонатчилар, мижозлар ва акциядорлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахслардан жалб қилинган пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига самарадорлигини кўзлаб йўналтирмоқда ва шу билан бирга мамлакат иқтисодиётини ривожланишига кўмаклашмоқда.

Ўз ва бошқа ресурс манбааларини шакллантириш мақсадида Банк томонидан кўрилган чоралар Банк активларига йўналтирилган маблағларнинг ҳажмини ўсишига ижобий таъсирини кўрсатди.

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини амалга ошириш учун Банк ресурс базаси қуйидагилар ҳисобига шакллантирилди:

- аҳолининг омонатлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари;
- халқаро молия бозорларидан жалб қилинган қарзлар;
- марказлаштирилган кредит линиялари;
- қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳисобига келиб тушган маблағлар;
- бошқа манбалар.

Бозор рақобати ва бошқа жараёнлар амалга ошадиган шароитга бозор тартиби дейилади. У бир қатор хусусиятлар билан белгиланади. Хусусан, корхоналарнинг сони, миқёси, таклиф этилаётган товарларнинг турлари, баҳолар устидан назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш, чиқиш шароитлари ва бошқалар. Бозор тузилмаларининг ҳар хиллигига қарамасдан, одатда унинг тўрт тури ёки бозор моделлари фарқланади. Булар:

1. Соф ёки мукамал рақобат;
2. Монополистик рақобат;

3. Олигополия;

4. Соф монополия.

Бу тузилмаларнинг ҳар бири, аввало, корхоналарнинг бозор баҳосига таъсир эта олиши билан фарқланади. Бу таъсир қанчалик кам бўлса, бозор шунчалик рақобатли ҳисобланади.

Мукамал рақобат кураши деганда – бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб майда корхоналарнинг ва микрофирмаларнинг рақобат кураши тушунилади. Бундай рақобат курашига кириш ва ундан чиқиш осон. Бунда кўп сонли сотувчилар иштирок этиб, баҳони ўзлари белгилай оладилар. Уларнинг белгилаган баҳоси умумий баҳога таъсир этмайди.

Такомиллашган рақобат кураши шароитида ҳеч қандай юридик, технологик, молиявий тўсиқлар бўлмайди. Мукамал рақобатли бозорда нарх талаб ва таклиф асосида шаклланади. Сотувчилардан ҳар бирининг бозорга чиққан товардаги улуши кам бўлгани учун, улар бозордаги мавжуд нарх билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Эркин рақобат субъектлари кичик тадбиркорлар ва микрофирмалар бўлиб, уларнинг иш юритиш фаолиятлари ҳам эркин ҳаракатда бўлади. Мукамал — эркин рақобатда корхоналарнинг бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтиши ёки янгиларининг очилишида ҳам деярли ҳеч қандай иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Такомиллашган эркин рақобат тармоқ ичида ва тармоқлар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Тармоқ ичидаги рақобат бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун сарф этилган ижтимоий зарурий қиймат харажатларини қопловчи товар баҳосини белгиланишини таъминлайди. Улар ўртасидаги рақобат арзон хом ашё, ишчи кучи ва истеъмол бозори учун бўлади. Такомиллашган эркин рақобат курашида: ишлаб чиқилган товар қиймати шу тармоқларда ишлаб чиқилган товарларнинг ижтимоий-зарурий қийматига яқин бўлади.

Тармоқлар ўртасидаги рақобат эса турли тармоқлардаги корхоналарни, фирмаларни кўпроқ фойда олиш учун ўзаро хом ашё, арзон иш кучи ва

истеъмол бозори учун олиб бориладиган эркин рақобатида ифодаланеди, натижада капиталларнинг бир тармоқдан иккинчи тармоққа эркин ўтиш рақобати тармоқлардаги фирмаларнинг олаётган фойдасининг (фойда меъёрининг) пасайишига олиб келади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўзининг биринчи даражадаги вазифаси деб Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги муҳим истиқболларига бағишланган ҳукумат йиғилишидаги “2012 йил мамлакатимиз ривожланишини янги босқичга кўтариш йили бўлади” мавзусидаги нутқида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич ва оғишмасдан бажаришдан иборат деб ҳисоблайди. Банкни ривожлантириш стратегияси ликвидликни янада мустаҳкамлаш ва молия-банк тизими барқарорлиги ошириш, ўз хусусий ресурслар базасини орттириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларга маҳсулотлар, бошқарув усуллариининг янги турларини қўллашга инвестиция қилишни кўзда тутди. Яна иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратиш, банк омонатчилари, миждозлари ва акциядорларининг пул маблағларини сақлаш ва кўпайтириш ҳам кўзда тутилган. Банкнинг йирик саноат корхоналарига ҳамда кичик бизнесга молиявий ёрдами асосий тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар, бутун иқтисодиётни модернизация қилиш ва мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш, Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Дастурни фаол тарзда амалга ошириш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга кўмаклашади.

Ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ учун узоқ истиқболга мўлжалланган ва мамлакат имкониятлари, қудрати ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ўстириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим устувор йўналиш бўлиб асосий етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш,

доимий ўсишни таъминлаш ва лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўли билан кредит портфели сифатини яхшилашга йўналтирилган стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, банкнинг стратегик мақсади бўлиб замонавий, рақобатбардош банк сифатидаги позициясини сақлаб қолиш, Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги тегишли конъюктурадаги ўзгаришларга чидамли бўлган тизимни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолади. “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган 2013 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, сифатли сервисни мустаҳкамлаш, банк миждозлари, айниқса ёш оилалар учун қулай ва фойдали бўлган, кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтиришга қаратилган сиёсат амалга оширилади.

### **III-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш**

#### **1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувда хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш**

Монополияга қарши қонунчилик учун модел сифатида хизмат қилган ва уни жаҳоннинг бошқа мамлакатларига тарқатишга асос бўлиб хизмат қилган Америка ва Германия тизимларида рақобат тўғрисидаги қонунни белгилаш ва уни амалга оширишда суд қарорлари марказий (асосий) ролни бажарадилар. Худди шундай жиҳат Австралия, Япония, Корея, Канада, Франция ва ЕҲ да бор. Аксинча, суд қарорлари Буюк Британия, Испания ва Швеция қонунларида унчалик аҳамият касб этмайди. Ушбу мамлакатлар мазкур қонунни амалга ошириш ва таърифлаш маъмурий судларда ва ижро ҳокимиятини тайинланган расмий шахсларга (одатда, иқтисодий вазир) асосланади.

XX аср иқтисодий эркинлашуви, бозорлар очилиши, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлашда кўпчилик ривожланган мамлакатлар давлат бошқарувида эга эмас, балки бозор кучларига таяна бошлаганига гувоҳ бўламиз. Рақобат сиёсати иқтисодий эркинликни рағбатлантириш, баъзида эса мустақил харидорлар ва сотувчилар ўртасида рақобатни талаб қилиш йўли билан қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг рақобатга қарши қонунларини янада кучайтирдилар. Шу вақтнинг ўзида баъзи мамлакатлар савдо-сотиққа тўсқинлик қилувчи, кейинчалик бошқа хатти-ҳаракатлар билан қайтадан вужудга келтирилиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этадиган янги қонунларни қиритдилар.

Рақобат сиёсати, азалдан иқтисодий ривожланган, ички рақобат тижоратда муҳим омил ҳисобланган мамлакатлардаги рақобат жараёнини ҳимоя қилиш учун қўлланиб келинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг жиддий рақобат сиёсати АҚШ, Германия ва Европа Ҳамдўстлиги (кейинги ўринларда ЕҲ дея келтириб ўтилади) кузатилишини эътироф этиш мумкин.

Рақобат тўғрисидаги қонунлар иккита, лекин бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган концепцияларга асосланади: бозор ҳуқумронлиги ва бозорда устун мавқега эга бўлиш. Амалиётда рақобат сиёсатининг кўпчилик шакллари ёхуд етказиб берувчиларни бозор ҳуқумронлигини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ёхуд устун мавқега эга бўлган корхоналарни ўз мавқеларини суистеъмол қилишни тўхтатиб туришига йўналтирилган. Бундай ҳолат бозор ҳуқумронлигида амалга ошириш иқтисодий самарадорлик билан бир-бирига тўғри келмаслиги, устун мавқега эга бўлиш эса етказиб берувчига савдо-сотик йўлига хусусий тўсиқларни юзага келтиришга, рақобатни чеклашга ва бошқа томонларнинг иқтисодий эркинлиги ва фаолият кўрсатишга имкон яратади. Бозор ҳуқумронлиги иқтисодий бозорларнинг нисбий ҳажми (бозор улуши) ва тузулмасига, яъни ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчилар сонига, савдо-сотикни амалга оширишда мавжуд бўлган жиддий тўсиқлар, товар ўрнини босувчисининг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Устун мавқега эга бўлиш етказиб берувчиларнинг абсолют ҳажмига, унинг буюртмачилар ва шахсий етказиб берувчилар билан алоқаларига, шунингдек, савдо бўйича ҳамкорларининг иқтисодий аҳволини билиш қобилиятига боғлиқдир. Бозор ҳуқумронлиги концентрацияси ва самарадорлигига асосланадиган рақобат тўғрисидаги қонунлар истеъмолчилар фаровонлигини кўзлаган ҳолда юзага келади. Аксинча, устунлик концентрациясига асосланган қонунлар рақобат жараёнини эмас, балки рақобатчиларни ҳимоялашга хизмат қилади.

Савдо-сотикнинг эркинлашуви самарали рақобат сиёсатини ўзгартиради, сабаби кўпгина ҳолатларда эркин савдо-сотик бозорнинг

рақобат тузилмасида унчалик аниқ намоён бўлмайди ва бозорда самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантормайди. Шунинг учун, рақобат сиёсати ва савдо-сотиқнинг эркинлашувини муқобил сиёсатга қўшимча сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун учта соҳага кириб боради, яъни: бизнесни амалга ошириш усулига, иқтисодий бозорлар тузилмасига ва хўжалик юрутиш усулларига. Ўрганиб чиқилган қонунчиликлар ўртасида ҳаракатланишни ўзининг бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилувчи ёхуд савдо-сотиқни чекловчи, рақобатни сусайтирувчи, маън қилинган шакллари олувчи ўзини тутиш қоидалари мазмунан бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Маълум бир ҳолатларда рақобатни чекловчи ушбу хатти-ҳаракатлар иқтисодий самарадорликка ўз улушини қўшиши мумкин. Рақобат тўғрисидаги қонунлар эса умуман олганда рақобат зарари ва самарадорликни ошириш тўғрисида балансга эга бўлишга йўналтирилган.

Иқтисодий бозорлар тузилмасида қўлланиладиган рақобат тўғрисидаги қонун корпорациялар ўртасидаги қўшилиб кетишлар (корпоратив трансакциялар), қўшма корхоналар ва активлар трансфертлари бўйича битимларга аралашади. Ушбу аралашуш трансакциялар ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчиларнинг мустақил фаолиятини сусайтириш ва иқтисодий бозорлардаги концентрациялашувни юқори даражаларга кўтаришда содир бўлади. Тарихан, Германия ва АҚШда қўшилиб кетиш тўғрисида олдиндан ҳабар бериш ва иқтисодий бозорларда юқори концентрациялашувга олиб келувчи корпоратив трансакцияларни ман қилиш талаблари орқали фаол аралашув амалга оширилган, бошқача қилиб айтганда, йирик иқтисодий субъектлар халқаро бозорларда рақобатлаша олади деган нуқтаи назардан, ўрганилган қонунчиликлар бозор тузилмаси устидан етарли даражада назоратни амалга оширмайди.

Бироқ, иқтисодиёт тобора ривожланган сари ва унинг тармоқ концентрацияси даражасининг ошиб бориши сабабли ҳукуматда бозор тузилмаси устидан кучли назоратни амалга ошириш тенденцияси юзага

келади. Бу рақобат тўғрисидаги қонунинг кейинги вақтларда юқори суръатлар билан ўсиб бораётган соҳасига айланган. Шунинг учун ЕХ, Буюк Британия, Испания, Германия, Жанубий Корея ва Канада бозор тузилмаси устидан назоратни кучайтирдилар. Ўрганилган қонунчиликлардаги рақобат тўғрисидаги қонунлар рақобатга қарши сезиларли самараларни олдинга суришга тайинланган индустриал сиёсатни қўллаб-қувватлаш учун бир восита сифатида қонунчиликдаги трестларга қарши истиснолардан фойдаланиш имконини беради.

Хусусан, маҳаллий етказиб берувчилар ўртасида давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамкорлик, одатда рақобатга зарар етказди ва рақобатга қарши нарх шакллантирилишини рағбатлантиради. Давлат томонидан муҳофаза қилинадиган маҳаллий тармоқларнинг маҳсулотлари истеъмол қилинадиган жойда ушбу самаралар маҳаллий етказиб берувчилар томонидан олинган барча фойдани компенсациялаши мумкин. Тарихан, Япония, Корея ва Германия маҳаллий етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларига рухсат бериб келган. Шунга қарамасдан, ривожланиш жадаллашган, истеъмолчи манфаатлари кучларини борган сари ўсиши натижасида ушбу мамлакатлар маълум тармоқлар сиёсатини рақобатга қарши оқибатларини ўйлаганлар ва тармоқ концентрацияси иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади деган хулосага келганлар. Иқтисодиётдаги картеллашиш сифатидаги ўзига хос тармоқ сиёсатини самарадорлигига нисбатан шубҳа рақобат тўғрисидаги қонунни ва ушбу қонундан озод этиш учун яқка тартибда белгиланадиган мезонлар доимий равишда кучайтиришга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси “Товар бозорларида монополия фаолияти чегаралари ва рақобат тўғрисида” ги қонуни (кейинчалик “Рақобат тўғрисида”ги қонун)га кўра, Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган ва Рақобат тўғрисидаги қонун ҳамда унга мувофиқ товарлар, хизматлар ва молия маблағлари бозоридаги рақобатга таъсир этувчи муносабатларни

тартибга солувчи бошқа қонунлардан иборат. Бундай муносабатлар Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари ёрдамида тартибга солиниши ҳам мумкин.

Монополияга қарши кураш қонунчилигининг вақтдаги ҳаракати. Умумий қоидалар амалда: монополияга қарши кураш қонунчилиги ҳужжатлари айланиш кучига эга эмас, улар кучга киргач, пайдо бўлувчи муносабатларга нисбатангина қўлланилади. Баъзан ҳужжатни амалда қўллаш муддатини узайтириш ёхуд, аксинча, унинг қоидаларини юзага келган муносабатларга нисбатан қўллаш зарурати юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда унинг амал қилишидаги алоҳида тартибга урғу мавжуддир.

Хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, иқтисодиётда давлат иштирокининг камайтирилиши ҳамда хусусий мулкчиликнинг роли ва аҳамияти оширилиши истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ёғат муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Монополияга қарши бошқарув сиёсати бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ўзаро самарали монополияга қарши бошқарув органлари тизимини яратишдир. Бугунги кундаги интеграция ва глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг монополияга қарши бошқарув сиёсати ва бошқарув органлари фаолияти бўйича ўзаро самарали тажрибаларни амалга ошириш механизмини яратиш лозим. Бу бўйича 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши бошқарув кенгаши доирасида бир катор масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, носоғлом рақобат, иқтисодий концентрация, ўзаро келишиб олиш, устун мавқеини суиистеъмол қилиш, монополияга қарши қонунчилик ижроси ва ҳ.к.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарув сиёсати бўйича ўзаро ҳамкорлик стратегияси куйидагилардан иборат:

а) Ўзбекистон Республикаси аъзолари ўртасида давлатлараро монополияга қарши кенгаш доирасида монополияга қарши қўмита ёки комиссия ишини ташкил қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши бошқарув органлари иштирокида доимий ишчи комиссия ишини ташкил қилиш;

в) МДХ давлатлари ўртасидаги бугунги кундаги монополияга қарши бошқарув сиёсати ушбу давлатларнинг ўзаро интеграция ва манфаатли иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиши лозим.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистоннинг монополияга қарши сиёсати ва уни амалга оширувчи органнинг асосий вазифаси фақатгина давлатнинг монополияга қарши бошқарув сиёсати олиб бориши эмас, балки ушбу сиёсат орқали мамлакатда эркин тадбиркорлик ва хусусий бизнесни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Бунинг натижасида МДХ давлатларидаги рақобат муҳитини яхшилашга қаратилган РФ ва бошқа МДХ мамлакатлари ўзининг фаол монополияга қарши бошқарув сиёсати ва рақобат муҳитини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлари туфайли бугунги кунда ўзаро интеграциянинг кенгайиши билан ривожланган давлатларнинг монополияга қарши бошқарув сиёсати бўйича самарали тажрибаларидан фойдаланмоқда.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув сиёсати бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган барқарор қонунчилик базаси яратилди.

Шунга кўра қайд этиш лозимки, ҳозирги жамиятнинг иқтисодий ҳодиса ва жарёнларига тизимли ёндашиш, монополияга қарши фаолиятни тартибга солишнинг ҳориж тажрибаси соҳасида содир бўлаётган жараёнлар ва ўзгаришларни таҳлил этиш, ривожланган мамлакатларни бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш, илмий ечимлар бўйича хулоса ва таклифларни шакллантириш ҳамда тегишли ваколатли тавсиялар бериш, бу юзадан назарий-илмий адабиётларни ўқитиш ҳар жиҳатдан муҳимдир. Бунда

монополияга қарши бошқарувни қуйида келтирилган омилларни инобатга олган ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқдир:

- хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши сиёсати тажрибаси ва амал қилишнинг назарий асослари;
- монополияга қарши фаолиятни тартибга солишда хориж тажрибасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли;
- монополияга қарши фаолиятни бошқариш сиёсати ва уни амалга ошириш босқичлари;
- монополияга қарши фаолиятни тартибга солишда хориж тажрибаси асосида меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ва улардан фойдаланиш;
- монополияга қарши фаолиятни амалга оширишда илғор хорижий тажрибалар таҳлили ва уларни амалиётга тадбиқ этилиши ва ҳ.к.

Мустақиллик йилларида давлат мулкани хусусийлаштириш, уни асосан хусусий мулкка сотиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилиши натижасида 31 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари мулкчилик шаклини ўзгартирди.

Шундай қилиб, мамлакатлар ўртасида рақобат тўғрисидаги қонунчиликларни ўзаро ўхшашлиги тугайди. Турли давлатларнинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатларини бир-бирига ўхшамаслиги, рақобат сиёсати ва ҳуқуққа нисбатан турлича ёндашишни келтириб чиқарди. Масалан, АҚШ ва ЕҲ рақобат тўғрисидаги қонунларни матнларини баён қилиниши конституцион нормаларни эслатади, уларни тушунчаларини шарҳлашда судларга ва монополияга қарши органларга кўпроқ мажбуриятлар ва эркинликлар берилади.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни нисбатан яқинда киритган кўпчилик мамлакатларда рақобат сиёсатининг барча тўртта жиҳати битта қонунда ўз аксини топган. Бундай мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Россия, МДҲ кўпчилик мамлакатлари, шунингдек Шарқий Европа мамлакатлари киради.

Бошқа мамлакатларда рақобат сиёсатининг бозор концентрацияси ва ноҳалол рақобат каби жиҳатлари алоҳида қонунлар юрисдикциясига (ваколатига) киради. Қозоғистонда ва бир нечта бошқа мамлакатларда ноҳалол рақобат алоҳида қонунчилик қилиб ажратилган, АҚШда эса концентрациялашиш масалалари ва тегишли таомиллар-Харта-Скотта-Родио (қонунни ишлаб чиққан конгрессменларнинг номи) номли махсус қонун билан тартибга солинади. Марказлашган-режалаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда қонунчилик одатда ҳокимият органларини рақобатга қарши ҳаракатлари, қарорлари, ҳаракатсизлигини чеклаш учун махсус ишлаб чиқилган алоҳида нормаларга эга. Бунинг сабаби, режалаштирилган иқтисодиёт даврида ҳокимият органларини корхоналарнинг фаолиятига ҳаддан зиёд кўп аралашуви оқибатидир. Бундай қонунчиликка эга бўлган мамлакатлар қаторига деярли барча МДҲ давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳам киради.

## **2. Монополияга қарши бошқарувни такомиллаштириш**

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, унинг фаолиятини тартибга солишда давлатнинг аралашуви хусусий ва ижтимоий секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий ва халқаро иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда долзарб ҳисобланади. Шулар боис, барқарор иқтисодий тараққиётни ташкил этиш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона қондириш даражасини ошириш вазибаларини ҳал этишда миллий иқтисодиётни монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш зарурияти ортмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини пасайтиришда давлатнинг қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилишдан иборат тадбирлар тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг глобаллашув шароити талабларига жавоб бера олишлари

учун иқтисодий ўзгаришларини тўғри талқин қилишлари ва бу жараёнларни келгусида самарали бошқара олишлари масаласи долзарб ҳисобланади. Яъни, мазкур фан хусусиятлари доирасида монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг қоида ва хулосаларини пухта ўзлаштириш ҳамда ижодий ёндашувни таъминлаш талаб этилади.

Шунингдек, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги<sup>13</sup> ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидаги<sup>14</sup> талаблардан келиб чиққан ҳолда, монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг туб моҳиятини англаш, Ўзбекистонни модернизация қилиш ва янгилашнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимизнинг иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдаги саъй-ҳаракати давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги чуқур ислоҳатлари билан бевосита боғлиқдир.

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, унинг фаолиятини тартибга солишда давлатнинг аралашуви хусусий ва ижтимоий секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий ва халқаро иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда долзарб ҳисобланади. Шулар боис, барқарор иқтисодий тараққиётни ташкил этиш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона қондириш даражасини ошириш вазифаларини ҳал этишда миллий иқтисодиётни монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш зарурияти ортмоқда.

---

<sup>13</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

<sup>14</sup> И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

Бозор хўжалик шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятларида тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришганда вужудга келади. Иқтисодий ривожланишда қийинчиликлар ўсиб ва зиддиятлар тўпланиб бориши бу имкониятларни ҳақиқатга айлантиришни зарур қилиб қўяди.

Ҳозирги шароитда монополияга қарши бошқарувни, монопол нархни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни ҳимоя қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Давлат томонидан монопол нарх тартибга солинишининг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тизимни мустаҳкамлаш (мамлакат ичида ва халқаро майдонда) ва ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади.

Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар таркибига иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш; атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини энгиллаштириш ва ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлишдир.

Рақобат бозор иқтисодиётининг асосий белгиларидан бири, деб таърифласак ҳам бўлади. Рақобат шароитида ишлаб чиқарувчилар доимо харидорлар ёки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини олдиндан билиб, уларнинг молиявий аҳволига мос маълумот ишлаб чиқарилишини талаб қилади. Бундан маълум бўладики, рақобат шароитида ишлаб чиқарувчиларнинг харидорларга бўйсунди. Рақобат шароитида кўплаб харидорлар билдирган

талаб ва сотувчиларнинг таклифи бозор нархларини белгилайди. Рақобат шароитида харидорлар шох, ишлаб чиқарувчилар уларнинг хизматкоридир. Аммо монополияда аксинча жараён кузатилади. Яъни, эндибозор харидорларнинг хоҳиш-истаги эмас, ишлаб чиқарувчининг хоҳиш-истаги асосида амалга оширилади. Бошқача қилиб айганда, монопол ҳукмдор, харидор унга бўйсинувчидир.

Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали барқарор фойда олиши мумкин. Бозор муносабатлари тизимида монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади.

Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар “рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарувчи табиий монополиялар”, деб ном оладиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солиши ва кўрсатилган хизматлар андозалари ўрнатилади. Транспорт, алоқа, электр қуввати, ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади.

Иккинчи усулда, самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасини таъминлаш сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияга қарши қонунлар қабул қилишдан иборатдир.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги<sup>15</sup> ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидаги<sup>16</sup> талаблардан келиб чиққан

---

<sup>15</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

<sup>16</sup> И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

ҳолда, монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг туб моҳиятини англаш, Ўзбекистонни модернизация қилиш ва янгилашнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимизнинг иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдаги саъй-ҳаракати давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги чуқур ислохатлари билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини пасайтиришда давлатнинг қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилишдан иборат тадбирлар тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг глобаллашув шароити талабларига жавоб бера олишлари учун иқтисодий ўзгаришларини тўғри талқин қилишлари ва бу жараёнларни келгусида самарали бошқара олишлари масаласи долзарб ҳисобланади. Яъни, мазкур фан хусусиятлари доирасида монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг қоида ва ҳулосаларини пухта ўзлаштириш ҳамда ижодий ёндашувни таъминлаш талаб этилади.

## ХУЛОСА

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувни давлат томонидан тартибга солишнинг функционал ва институционал жиҳатларини “Ўзсаноатқурилиш банк” ОАТБ фаолияти мисолида ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб қуйидаги хулоса ва таклифлар қилинди:

1. Республикамизда чоп этилган илмий-иқтисодий адабиётларда мамлакатимиз шароитидан келиб чиқиб, монополистик фаолиятни тартибга солиш, монополияга қарши бошқарув сиёсати ва давлатнинг монополияга қарши бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаш йўллари деярли тақиқланмаган ва улар умумлашган ҳолда ёритилмаган;

2. Ишда ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда монополияга қарши сиёсатни янада такомиллаштириш ёки аксинча, монополистик фаолият ривожланиши қуйидаги рақобат шаклларининг ҳаракатланишига замин яратади: такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, ғирром рақобат, очиқ рақобат, бозор рақобати ва бошқалар. Диссертация ишида мазкур рақобат шаклларининг мазмуни очиб берилган;

3. Тадқиқотда монополияга қарши бошқарувнинг функционал ва институционал жиҳатлари ўрганилди. Биринчидан, давлат томонидан монополияга қарши олиб бориладиган самарали сиёсат хусусий мулк эгалари манфаатдорлигини оширади. Иккинчидан, хусусий сектор учун рақобат муҳитини яратиш беради. Учинчидан, давлат бюджетининг даромад қисми пул ресурслари билан таъминланади ва ниҳоят ишлаб чиқариш рағбатлантирилади;

4. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида, филиаллар тармоғини ривожлантириш билан биргаликда, мижозлар сонини оширишга йўналтирилган сиёсатни амалга оширмоқда.

Пухта ўйланган ва янгиликларни жорий қилишга йўналтирилган молиявий сиёсат, банк ишининг мумтоз анъаналари, сифатли бошқарув, янги

технологиялар ва инновация ғояларини амалда тадбиқ этилиши мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада ошириб, унинг мавқеини янада мустаҳкамлайди. Банкнинг хусусий капитали – кўрсатилаётган банк хизматлари хажми ва турларини кўпайиб боришини, банкнинг барқарорлигини таъминлайдиган асосий гаров ҳисобланади;

5. «Ўзбекистон саноат - қурилиш банки» очик акциядорлик тижорат банки республиканинг етакчи тижорат банкларидан бири бўлиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиради ҳамда иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорларни кредитлар билан таъминлайди, шунингдек кенг кўламда чакана хизматлар кўрсатади;

Банк фаолиятининг асосий йўналишлари - бу иқтисодиётнинг таркибий туб ўзгаришларида, саноатни модернизациялаш, техникавий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларида кенг миқёсда иштирок этиш, корхоналарни кўллаб-қуватлаш ва уларни молиявий соғломлаштириш, ресурс базасини жадал кенгайтириш ҳисобланади. Сармоялаш салоҳиятини, капиталлашув даражасини доимий тарзда ошириш, молиявий ресурсларнинг манбаларини диверсификациялаш – банк амалиётлари кўламини кенгайтирилиши учун ҳам, банкнинг кредит берувчилари, депозиторлари (омонатчилари) ҳамда сармоядорлари олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши учун ҳам замин яратади. Диссертацияда ушбу банк фаолияти атрофлича таҳлил қилиниб, тегишли натижалар олинган.

6. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ инвестиция ва кредит сиёсати ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни узоқ муддатли кредитлаштириш механизмларини янада такомиллаштириш йўли билан банк инвестицион фаолияти ва кредитлаштириш ҳажмларининг кенгайтириш, ушбу мақсадлар учун банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, экспортга ишловчи корхоналар фаолиятларини кўллаб-қуватлаш. Жумладан, стратегик жиҳатдан жиддий аҳамиятга эга бўлган

лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш. Кичик бизнес субъектларини, жумладан оилавий тадбиркорликни молиявий-кредитлаш асосида қўллаб-қувватлаш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берган ҳолда, соғлом рақобат муҳитини яратиш ва монопол бошқарув тизимига чек қўйиш юзасидан фаол сиёсат олиб бормоқда. Янги ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ёки мавжуд озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришлари, маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш, жумладан аёллар меҳнатидан фойдаланган ҳолда ва чекка жойларда ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган минтақаларда амалга оширилувчи лойиҳалар, аҳоли бандлигини таъминлашга кредитлар тақдим этиш, банкнинг устувор мақсадларидан биридир;

7. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “монополияга қарши курашув ҳаракатларини амалга ошириш” ибораси ўрнига “монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш жараёни” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида мазкур таклифни жорий этиш жараёнлари бошланган;

8. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида монополияга қарши бошқарувнинг давлат томонидан тартибга солиш учун монопол корхоналарга ёрдам сифатида Монопол қўмиталар таркибида тушунтириш ишлари олиб борувчи бўлимларни ташкил этиш таклиф этилади;

9. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида шарқий мамлакатларда юз бераётган рақобат жараёнини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб ва тартибга солган ҳолда фойдаланиш лозим;

10. Монополияга қарши сиёсатни янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш ҳамда хусусий мулкчилик объектларини давлат томонидан кафолатлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 2010.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. 2011 йил 14 ноябрь.

1.3. Ўзбекистон Республикаси “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонун. –Тошкент, Шарқ. 2007 йил.

1.4. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун. 2003 йил.

### **II Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йил 15 март ПФ 3589 - сон Фармони.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрь ПФ-4058-сонли Фармони.

2.3. Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. – 2008. – 20 феврал.

2.4. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Халқ сўзи. – 2006. – 17 апрел.

2.5. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1112-сон Қарори // Халқ сўзи. – 2009. – 15 май.

2.6. Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жалб қилишга янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1090-сон Қарори // Халқ сўзи. – 2009. – 6 апрел.

### **Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари**

3.1. Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида” – Тошкент. «Ўзбекистон». 2008 й. – 22 б.

3.2 Каримов. И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи, № 21, 30 .01. 2010, 3 б.

3.3. Каримов И. А. Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи, 13 ноябрь 2010 йил.

3.4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. (21.01.2011) “Халқ сўзи” газетаси, 16 сон, 2011 йил 22 январь.

#### IV. Асосий адабиётлар

- 4.1. Булатов А.С. Экономика. “Конкуренция и монополия на рынке”. –М.: ЮРИС. 2002, с. 240.
- 4.2. Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. –М.: ТК Велби. Проспект. 2005, с. 191-193.
- 4.3. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: учеб. И доп. –М.: ТК Велби, Проспект. 2005, с. 209-210.
- 4.4. Иохин В.Я. Экономическая теория: Учебник/ В.Я.Иохин.-М.: Экономистъ. 2005, с. 435-436.
- 4.5. Банковский менеджмент: учебник / кол. авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 с.
- 4.6. Деньги, кредит, банки: учебник / кол. авторов; под ред. засл. Деят. Науки РФ, д-ра экон. Наук, проф. О.И. Лаврушина. – 9-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2010. 560 с.
- 4.7. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие / О.И. Лаврушина, О.Н. Афанасьева, С.Л. Корниенко; под ред. засл. деят. Науки РФ, д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – 5-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с.
- 4.8. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 1. М.: Финакадемия, 2009. 132 с.
- 4.9. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 2. М.: Финакадемия, 2009. 108 с.
- 4.10. Тавасиев А.М., Мазурина Т.Ю., Бычков В.П. Банковское кредитование: Учебник / – М.: ИНФРА-М, 2010. – 656 с.
- 4.11. Турбанов А., Тютюнник А. Банковское дело: Операции, технологии, управление / А. Турбанов, А. Тютюнник. – М.: Альбина Паблишерз, 2010. – 682 с.
- 4.12. Сфера услуг: экономика, менеджмент, маркетинг. Практикум: учебное пособие / кол авторов; под ред. Т.Д. Бурменко. – М.: КНОРУС, 2010. – 424 с.

4.13. Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий. Учеб. пособ. - М.: Эксмо, 2009. – 652 с.

4.14. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: Молия, 2000. –312

4.15. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг баркорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: «Fan va texnologiya», 2007. – 184 б.

## **V. Диссертация ва авторефератлар**

5.1. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари: икт. фан. номз. автореф. – Т.: БМА, 2007. – 20 б.

5.2. Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари: Иктисод фанлари доктори...дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2001. – 38 б.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва манбалар**

6.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2008-2012 йил маълумотлари.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2008-2012 йил маълумотлари.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциациясининг 2008-2012 йил маълумотлари.

6.4. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг 2008-2012 йил маълумотлари.

## **VII. Интернет ресурслари**

7.1. <http://www.mmbank.ru/> – Москва банки сайти.

7.2. <http://www.cbu.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

7.3. <http://www.uzpsb.uz/>

7.4. <http://www.pravo.vsem.uz/>

7.5. <http://www.lex.uz/>